

СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, haftала бир марта чоп этилади

№ 43 (1367) • 2020 йил 27 октябрь

ISSN 2010-524X

УШБУ СОНДА

Электрон тижорат: солиқни тўғри ҳисобланг

2-бет

Саволлар ҚҚСга оид

3-бет

Дивидендлар тўлашнинг солиқ оқибатлари

4-бет

Хорижий компания Ўзбекистонда хизмат кўрсатса...

5-бет

Қайта баҳолашнинг бухгалтерия ҳисоби

6-бет

СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН ВА УНДАН ОЗОД ЭТИЛГАН АЙЛАНМАЛАР МАВЖУД БЎЛГАНДА ҚҚС ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

Буни экспертими Ирина Ахметова тушунтиради

7-10-бетлар

Аввал фойдаланилган НКМ рўйхатдан чиқариладими?

12-бет

Хизматлар импортини ҚҚСга доир ҳисоботда акс эттириш

13-бет

Божхона почтасида қандай савол бор?

15-16-бетлар

СОЛИҚ ҲИСОБОТИ ШАКЛЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛМОҚДА

Давлат солиқ кўмитаси «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарорни қабул қилди (АВ рўйхат рақами 3221-1, 20.10.2020 й.).

Ушбу қўшимчалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

ДСҚ қарорининг 7-иловасига ўзгартиришлар – «Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китоби». Илова янги шакл «Мол-мулк солиғи тўловчи юридик шахсларнинг мулклари тўғрисида маълумот» билан тўлдирилмоқда;

Президентнинг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ янги шакл киритилмоқда (13-илова) – «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтган юридик шахсларнинг солиқларини ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган кўрсаткичлар».

Ушбу янги шаклнинг юридик шахслар йилда бир марта 1 мартдан кечиктирмай тақдим этилади.

Хужжат Коун хужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 1.01.2021 йилдан кучга киради.

Лола АБДУАЗИМОВА.

✓ КОНУНЧИЛИКЛАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН – 3 ТРЛН СўМ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йилга мўлжалланган давлат бюджети параметрлари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари келгуси йилги бюджетни режалаштиришда пандемиянинг давом этиши, жаҳондаги иқтисодий фаоллик пасайишини инobatта олиш кераклигини таъкидлади.

Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш учун 2021 йили иқтисодиётда камида 5,1%, жумладан, саноатда 5,8%, хизматлар ва қурилишда 6,5%дан ўсишга эришиш керак бўлади.

Яширин иқтисодиётни қискартириш ҳамда 600 минг иш ўрнини легаллаштириш, 53 та идоранинг маълумотлар базасини интеграция қилиш, маркировка қўлланиладиган махсулотлар турини кенгайтириш ҳисобига бюджетга қўшимча маблағлар тушириш мумкин.

Йирик корхоналарда ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳам режалаштирилмоқда. Мисол учун, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг табиий газга бўлган эhtiёжини тўлиқ қоплаш ҳамда ҳисоб-китобни тўғри йўлга қўйиш орқали акциз солиғидан қўшимча 500 млрд сўм маблағ тушириш имкони мавжуд. Электр энергияси билан ички бозордаги эhtiёжни узлуксиз таъминлаш ҳисобига қўшилган қиймат солиғидан қўшимча 250 миллиард сўм бюджетга даромад тушиши кутилмоқда.

Пандемия шароитида 2021 йилда ижтимоий соҳага ажратиладиган харажатлар жорий йилга нисбатан камида 15%га оширилиши режалаштирилмоқда. Жумладан, мактабгача таълим қамрови даражасини 70%га, бунда хусусий сектор улушини 25%га етказиш мақсад қилинган. Халқ таълим вазирлигига бюджетдан ажратмалар 16%га оширилади. Мактабларни тезкор интернетга улаш бўйича биринчи марта бюджетдан 100 млрд сўм, жиҳозлашга 200 млрд сўм ажратилади.

Илм-фанни ривожлантириш концепцияси доирасида келгуси йили Инновацион ривожлантириш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига бюджетдан 2 баравар кўп маблағ ёки 100 млрд сўм ажратилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасига қарийб 20 трлн сўм, шундан коронавирусга қарши курашиш тадбирлари учун 3 трлн сўм ҳамда дори-дармон харидига 1,8 трлн сўм белгиланиши кўзда тутилган.



Илк бора онкогематологияга қарийб 90 млрд сўм ажратилмоқда. Шунингдек, тамаки савдосидан олинган акциз солиғининг 7%и Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга қўмаклашиш жамғармасига ўтказиб берилади. Шу билан бирга, келгуси йилда биринчи марта гемодиализга муҳтож касалларга тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини 100%га етказиш учун 130 млрд сўм йўналтирилади.

Камбағалликни қискартириш мақсадида ижтимоий нафақа олувчи муҳтож оилалар сони 2020 йил бошига нисбатан 2 бараварга оширилиши белгиланди. Келгуси йил 1 январдан ягона ижтимоий реестрни барча ҳудудларда ишга тушириб, ижтимоий нафақалар ажратиш тизимини тўлиқ автоматлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Тадбиркорлик дастурлари доирасида 3 трлн сўмдан ортиқ субсидиялар берилиши мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, Бандликка қўмаклашиш жамғармаси ҳамда Жамоат ишлари жамғармасига 250 млрд сўмдан маблағ йўналтириш режалаштирилган.

Келгуси йили чин етим болаларни уй-жой билан таъминлаш учун бюджетдан 30 млрд сўм ажратилади.

Молия вазирлигига ташкилотларда ички аудит тизимини мустаҳкамлаш, ноқонуний харажатлар ва камомадларга йўл қўймаслик бўйича кўрсатмалар берилди.

Харажатлар таркиби ва натижадорлиги давлат идораларининг расмий сайтларига эълон қилиш тартиби жорий қилинади ва бунга амал қилмаган раҳбарларга жарима қўлланилади.

norma.uz

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТДА Фойда солиғи ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ

? Товарлар (хизматлар) электрон савдосини амалга оширадиган ва Электрон тижорат субъектлари миллий реестрига киритилган солиқ тўловчилар фойда солиғини 7,5%лик ставка бўйича тўлайдилар. bixgalter.uz илтимосига кўра ДСҚнинг солиқ солиши бўйича маслаҳатлар бошқармасининг бўлим бошлиғи Азиз УМИРЗОҚОВ бундай қорхоналар томонидан солиқ қандай ҳисобланишини тушунтириб берди.

– Электрон тижорат – ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномаларга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) олди-

сотдиси («Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонун 3-м.). Электрон тижорат қоидалари 2.05.2016 йилдаги 185-сон ВМК билан тасдиқланган.

7,5%лик ставка қачон қўлланилади

Фойда солиғини тўловчилар куйидаги ҳолатларда 7,5%лик ставкани қўллашга ҳақли:

- улар электрон тижоратни амалга оширганда ва Электрон тижорат субъектлари миллий реестрига киритилганда;
- ҳисобот даври якунлари бўйича электрон тижоратдан олинган даромад жами даромаднинг 90%идан кам бўлмаганда (СК 337-м. 5-қ.).

! Электрон тижорат субъектлари миллий реестрига электрон тижоратни амалга оширадиган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ихтиёрий ва бепул асосда киритилади. Шунингдек куйидаги фаолият турлари ҳам киритилади:

- электрон савдо майдончалари хизматларини кўрсатиши;
- товарларни етказиб бериши;
- электрон тижоратдаги электрон ҳужжатлар ва хат-хабарларни сақлаши.

Сизни реестрга киритишлари учун электрон тижорат воситасида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларингиз реализация қилинган товарлар (ишлар) умумий ҳажмининг 80%идан кам бўлмастлиги керак. Миллий реестрга кириши учун Ахборот технологиялари ва коммуникациялари вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириши марказига мурожаат қилиши лозим (14.05.2018 йилдаги ПҚ-3724-сон қарорнинг 8, 9-кичик бандлари).

Электрон тижоратдан олинган даромад 80%дан кам бўлмаганда Миллий реестрга киритиласиз, бироқ ҳисобот даври (солиқ) якунлари бўйича

ушбу даромад 90%ни ташкил қилмаган тақдирда, қорхона 7,5%лик ставкани қўллашга ҳақли эмас.

Бошқа фаолият турлари мавжуд бўлганда

Қорхона электрон тижорат билан бирга бошқа турдаги фаолиятни – ахборот тизимларидан фойдаланмаган ҳолда амалга оширади.

! Фойда солиғи ставкасини тўғри аниқлаш учун даромадлар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритинг.



МИСОЛ. Фаолият турлари ҳар хил бўлганда, солиқ ҳисоб-китоби Қорхона товарларни электрон тижорат ёрдамида ҳамда стационар савдо шохобчаси орқали сотади. Қорхона бўйича 2020 йил январь-сентябрь ойлари учун куйидаги маълумотлар келтирилган:

Фаолият тури	Даромадлар суммаси, млн сўм	Умумий ҳажмдаги улуши (%)
1	2	3
Электрон тижорат воситасида товарларни реализация қилиши	1 656	92
Турғун савдо шохобчаси орқали товарларни реализация қилиши	144	8
Жами:	1 800	100

9 ой учун чегирилмаган харажатлар умумий суммаси – 1 600 млн сўм. Электрон тижоратдан олинган даромадлар жами даромаднинг 92%ини (1 656 / 1 800 x 100) ташкил этганлиги сабабли қорхонада ҳисобот (солиқ) даврида олинган жами фойдага нисбатан 7,5%лик ставка қўлланилади. Фойда солиғи: (1 800 – 1 600) x 7,5% = 15 млн сўм.

Электрон тижоратдан олинган даромад камайганда

Фойда солиғи ҳисоб-китоби ҳар чоракда ортиб боровчи якун билан тақдим этилади (СК 338, 339-моддалари). Шу боис ҳисобот чораги якунлари бўйича электрон тижоратдан олинган даромад жами даромаднинг 90%идан кам бўлмаган, кейинги чорак якунлари бўйича эса – ушбу миқдорга етмаган ҳолатлар ҳам юзга келиши мумкин. Бундай ҳолатда қорхона электрон

тижоратдан олинган даромад ортиб боровчи якун билан 90%дан кам бўлган ҳисобот даврида 7,5%лик ставкани қўллашга ҳақли эмас.

Айтайлик, юқорида келтирилган мисолда 2020 йилнинг 12 ойи учун электрон тижоратдан олинган даромад жами даромаднинг 90%идан кам бўлган. Бунда 2020 йил учун жами фойдага 15%лик ставка бўйича солиқ солинади.

УШБУ СОНДА:

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Солиқ ҳисоботи шаклларида ўзгаришлар киритилмоқда
- Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун – 3 трлн сўм **1-бет**
- **СОЛИҚ СОЛИШ**
- Электрон тижоратда фойда солиғи қандай ҳисобланади
- Кейинчалик автомобиль сотилганда ҚҚС
- Бепул олинган товарлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш
- Хусусий қорхона мулкдорига дивидендлар қандай тўланади

- Хизматларни реализация қилиш жойи қандай аниқланади
- Фойдали қазилмаларни қавлаб олмай-сизми – айланмадан олинган солиқни тўлашингиз мумкин
- Улушни текни беришда солиқ оқиба-лари
- Бино тўлиқ амортизацияланган...
- Металл парчаларни реализация қилишда айланмадан олинган солиқ
- ННТ ва ҳисоб снѐсати **2-6-бетлар**

• БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

- Солиқ солинадиган ва ундан озод этилган айланмалар мавжуд бўлганда ҚҚС қандай ҳисобга олинади
- Айланмадан олинган солиқ ҳисоб-

китоби автоматик тарзда қандай тўлдирилади **7-10-бетлар**

• ЖАВОБ БЕРАМИЗ

- Сиз – «йирик солиқ тўловчисиз»
- Ободонлаштириш харажатлари
- Хизмат квартираси учун мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш зарурми
- Даромад деб эътироф этилмайди
- Чартер рейс ва ҚҚС
- НКМ қандай рўйхатдан чиқарилади **11-12-бетлар**

• МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

- Қандай қилиб «импорт» ҚҚСнинг ҳисобини юритиш ва ҳисобга олиш мумкин
- Хизматлар импортида ЭҲФ қандай расмийлаштирилади **13-бет**

• БОЖХОНА

- Экспортчиларга молиявий кўмак
- Синобли қунарни шуқроналик ва мегтин ирода билан енгиб ўтайлик!
- 80 тоннадан зиёд лимон Самарқанддан хорижга
- Утилизация йиғимининг миқдори ТИФ ТН коди бўйича
- Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар диққатига!
- Республикада реализация қилсангиз тўловларни қайтариш шарт эмас
- Лампаларга маркировка талаб этилади
- Божхона худудидан ташқарида қайта ишлашга расмийлаштиринг **14-16-бетлар**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиғи мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

КЕЙИНЧАЛИК АВТОМОБИЛЬ СОТИЛГАНДА ҚҚС

? Корхона автомобилни ҚҚС билан сотиб олган. У хизмат мақсадлари учун олинганлиги сабабли ҚҚС ҳисобга олинмади ва таннархга киритилган. Кейинчалик автомобилга амортизация ҳисобланган. Энди уни сотишга қарор қилинди. Кейинчалик автомобиль сотилганда корхона ҚҚСни ҳисобга олиши мумкинми?

– Хизмат мақсадлари учун сотиб олинган автомобиль бўйича ҚҚС ҳисобга олинмайди. Солиқ суммаси сотиб олинган автомобилнинг қийматида ҳисобга олинади (СК 267-м. 2-қ. 1-б., 3-қ.).

Автомобилни сотиш ҚҚС солинадиган товарларни реализация қи-

лиш бўйича айланма ҳисобланади (СК 239-м. 1-қ. 1-б.).

Сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича СКнинг 267-моддаси 1-қисми 1-4-бандларига мувофиқ сотиб олиш чоғида ҳисобга олинмаган ҚҚС суммаси келгусида улар солиқ солинадиган айлан-



ма учун фойдаланилган ҳолларда тузатилади (ҳисобга олинади) (СК 269-м. 2-қ.).

Бинобарин, корхона хизмат мақсадларида олинган автомобилни

кейинчалик сотганда ҚҚСни ҳисобга олишга ҳақли эмас.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

БЕПУЛ ОЛИНГАН ТОВАРЛАР БЎЙИЧА ҚҚСНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

? Амалиётда корхона товарлар ёки хизматларни бепул олган вазиятлар учрайди. Бу ҳолда «кирувчи» ҚҚС билан қандай йўл тутиш лозим, уни ҳисобга олиш мумкинми?

– Товарлар ёки хизматларни бепул олган ҳолда ҳада қилувчи томондан ҳисобланган ҚҚСни ҳисобга олмагн, балки уни «совға» қийматига киритинг.

! Бепул бериш – бу реализация қилиш бўйича айланма, бундан шундай бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳоллар мустақилоқ (СК 239-м. 1-қ. 2-б.). Шу боис, агар ҳада қилувчи – ҚҚС тўловчи бўлса ва бепул бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган деб эътироф этилмаган бўлса, у солиқ солинадиган айланмалар бўйича ҚҚС ҳисоблаши шарт.

! Агар товарлар (хизматлар) текинга берилса (кўрсатилса), электрон ҳисобварақ-фактуранинг якунловчи сатрида «Тўловсиз» деган ёзув киритилади (Низомнинг 52-б., 14.08.2020 йилдаги 489-сон ВМҚга 2-илова).

МИСОЛ. Бепул олинган материаллар бўйича «кирувчи» ҚҚСнинг ҳисоби

ҚҚС тўловчиси бўлган ишлаб чиқариш корхонаси бошқа корхонадан 690 минг сўмлик материалларни бепул олди, шу жумладан ҚҚС – 90 минг сўм.

Ҳада қилувчи томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактурадаги ҚҚС ҳисобга олинмайди, шу боис материаллар ҳисобга 690 минг сўм қиймати бўйича қабул қилинди.

Бухгалтерия ҳисобида бепул олинган материалларни бундай тарзда акс эттиринг:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Сўтлар корреспонденцияси	
		Дебет	Кредит
Бепул олинган материаллар акс эттирилди	690	1000-«Материалларни ҳисобга олувчи сўтлар»	8530-«Текинга олинган мулк»

ҚҚС бўйича ҳисоботда (1-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 йил) ҳисобварақ-фактура маълумотлари Харид қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар (ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳўжжатлар) реестрида (Харидлар реестри, ҚҚС ҳисоб-китобига 4-илова) автоматик тарзда акс эттирилади. Бунда 6 ва 7-устунларда кўрсатилган суммаларни ҳисобга олинмайдиган сифатида 8 ва 9-устунларда тақдорланг.

Агарда сиз Ўзбекистон реализация қилиш жойи деб эътироф этиладиган импорт бўйича товарларни ёки чет эллик шахсдан хизматларни бепул олсангиз, олиш чоғида ҚҚС тўлашингиз шарт. Бу ҳолларда тўланган солиқ суммасини ҳисобга олинг (СК 266-м. 1-қ. 3, 4-б.).

МИСОЛ. Импорт бўйича бепул олинган товарлар бўйича ҚҚС ҳисоби

ҚҚС тўловчиси бўлган савдо корхонаси хорижий етказиб берувчидан 500 АҚШ доллари миқдорида товарларни бепул олди. БЮД расмийлаштирилган санага қайта ҳисоб-китоб қилинганда уларнинг қиймати 4 750 минг сўмни (МБ курси бўйича – 9 500 сўм) ташкил этди. Божхона расмийлаштируви чоғида корхона кўйидагиларни тўлади:

божхона божси – 475 минг сўм;

ҚҚС – 783,75 минг сўм;

божхона расмийлаштируви учун йиғим – 118,75 минг сўм.

Товарлар бепул олинганлигига қарамай, импорт қилишда тўланган ҚҚС (783,75 минг сўм) ҳисобга олинмиши лозим.

Бухгалтерия ҳисобида импорт бўйича товарни бепул олишни бундай тарзда акс эттиринг:

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Сўтлар корреспонденцияси	
		Дебет	Кредит
Бепул олинган товар акс эттирилди	4 750	2910-«Омбордаги товарлар»	8530-«Текинга олинган мулк»
Импорт қилишда тўланган божхона божси акс эттирилди	475	2910-«Омбордаги товарлар» «6990-«Бошқа мажбуриятлар»	«6990-«Бошқа мажбуриятлар» 5110-«Ҳисоб-китоб сўти»
Товарнинг божхона расмийлаштируви бўйича харажатлар акс эттирилди	118,75	2910-«Омбордаги товарлар» «6990-«Бошқа мажбуриятлар»	«6990-«Бошқа мажбуриятлар» 5110-«Ҳисоб-китоб сўти»
Товарни импорт қилишда тўланган ва ҳисобга олинган ҚҚС акс эттирилди	783,75	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» «6990-«Бошқа мажбуриятлар» 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	«6990-«Бошқа мажбуриятлар» 5110-«Ҳисоб-китоб сўти» 4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»

ҚҚС бўйича ҳисоботда БЮД маълумотлари, айнан – ундан келиб чиқиб «импорт» ҚҚС (4 750 + 475 = 5 225 минг сўм) ҳисобланган бепул олинган товар қиймати ва ҚҚС суммасининг ўзи (783,75 минг сўм), божхона органлари маълумотлар базасидан автоматик тарзда кўйидагиларда акс эттирилади:

• Харидлар реестрида (ҚҚС ҳисоб-китобига 4-илова);

• ҚҚС ҳисоб-китобига 3-илова – «Ҳисобга олинмайдиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисоб-китоби»нинг 010-сатрида.

Ирина АХМЕТОВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

ХУСУСИЙ КОРХОНА МУЛҚДОРИГА ДИВИДЕНДЛАР ҚАНДАЙ ТЎЛАНАДИ

Шу йилдан бошлаб корхона дивидендларни тўлашда солиқ базасини ўзи томонидан олинган дивидендлар суммасига камайтириши мумкин. Ушбу тартиб хусусий корхоналарга ҳам таъбиқ этилади, сабаби хусусий корхона мулкдорига соф фойдадан тўланадиган даромадлар дивидендларга тенглаштирилади (янги тахрирдаги СК 41-м. 4-қ.).

Buxgalter.uz илтимосига биноан мулкдорга ҳисобга олишни қўллаган ҳолда қандай қилиб дивидендларни тўлаш ва ушбу операцияни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳақида «Norma» компанияси эксперти Дилором САИДОВА сўзлаб берди.

- Шартли мисолни кўриб чиқамиз. 2020 йилда хусусий корхона ўз мулкдорига 250 млн сўм суммада дивиденд ҳисоблади.
- Шу жумладан:
- февралда – 200 млн сўм;

- сентябрда – 50 млн сўм.
- Ўз навбатида ХК МЧЖнинг муассиси ҳисобланади, у 2020 йилнинг июль ойида ХКга 70 млн сўм (солиқни инобатга олган ҳолда) миқдорда дивиденд ҳисоблади ва тўлади.

Дивиденд солиғи қандай ҳисоблаб чиқарилади

Мулкдорга 2020 йил I чорақда фойдани тўлаш чоғида дивидендлар тарзида олинган даромадлардан олинади-

ган солиқ юзага келмайди (2007 йил тахриридаги СК 179-м. 6-б.).



2020 йил 1 апрелга қадар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиғи бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси солиқ солишдан озод этилган (2007 йил тахриридаги СК 179-м. 6-б.; 30.12.2019 йилдаги УРҚ-599-сон Қонун 4-м.).

2020 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон резиденти бўлган ХК мулкдорига соф фойдани тўлашда 5% ставка бўйича солиқ, яъни 2,5 млн сўм (50 млн сўм x 5%) ушлаб қолиш за-

рур (янги тахрирдаги СК 337-м. 1-қ. 11-б., 343-м. 1-қ.). Бироқ, агар ҳисобга олиш қўлланилса, мулкдорга тақсимланаётган фойданинг бутун суммасини тўлаш мумкин.

Илгари олинган дивидендлар бўйича солиқ қандай ҳисобга олинади

2020 йилдан бошлаб дивидендларни олиш чоғида «ҳисобга олиш» механизми жорий этилди.

Дивидендларнинг солиқ солиниши лозим суммаси корхонанинг ўзи томонидан жорий ҳисобот (солиқ) даврида ва ўтган ҳисоботда (солиқ даврларида) олинган дивидендлар суммасига камайтирилади (янги тахрирдаги СК 345-м. 3-қ.). Бунда олинган дивидендлар суммаси фақат бир марта чегирилади.

Бизнинг мисолимизда корхона июль ойида МЧЖдан 70 млн сўм олган, шундан кейин сентябрь ойида мулкдорга 50 млн сўм ҳисоблаган. Бу шуни аниқлатадики, сентябрь ойида 70 млн сўмдан 50 млн сўмни ҳисобга олиш мумкин. Ошган 20 млн сўм (70-50) кейинги даврларда ҳисобга олинади. Сентябрь ойида дивидендлар тарзида олинган даромадлардан олинган солиқ бўйича солиқ базаси нолга тенг бўлади.

Ҳисобланган ва тўланган дивидендлар, шунингдек ҳисобга олиш қайси ҳисоботларда акс эттирилади

2020 йилдан бошлаб жисмоний шахслар ва юридик шахслар учун солиқ агенти томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинган дивидендлар ва фойзалар тарзида тўланадиган даромадлардан олинган солиқ Ҳисоб-китобнинг ягона шакли тасдиқланган (10202_4 кодли). У Фойда солиғи бўйича ҳисобот таркибига қиради (3-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.).

Мазкур Ҳисоб-китоб қўлланилаётган солиқ солиш тартибидан қатъи назар тақдим этилади.

Ҳисобот дивидендлар ҳисобланган ойдан кейинги ойнинг 20 кунидан кечиктирмай тақдим этилади. Солиқ дивидендларни тўлаш муддатидан кечиктирмай бюджетга тўланади (СК 345-м. 5, 6-қисмлар).

Бизнинг мисолимизда Ҳисоб-китоб мартда (февраль учун) ва октябрда (сентябрь учун) тақдим этилади. Сентябрь ойи учун Ҳисоб-китобни тузишни кўриб чиқамиз.

Дивидендлар жисмоний шахсга ҳисобланиши боис, Ҳисоб-китобнинг II «Жисмоний шахсларнинг дивиденд-

лар ва фойзалар тарзидаги даромадлари» бўлимини тўлдириш зарур.

Йил бошидан бошлаб ҳисобланган ва тўланган дивидендларнинг барча суммасини – 250 млн сўмни – Ҳисоб-китобнинг 080 ва 091-сатрларида акс эттирамиз. 090-сатр «Ҳисобот даврида тўланган дивидендлар ва фойзалар» автоматик тарзда акс эттирилади.

2-илова «Солиқ агенти томонидан жисмоний шахсларга тўланган дивиденд ва фойзалар тарзидаги даромад суммаларидан ушлаб қолинган солиқларни тўғрисида маълумот»ни тўлдиришни унутманг. Унда олдинги даврда тўланган 200 млн сўм миқдоридagi имтиёзли даромад ва жорий солиқ даври учун тўланадиган 50 млн сўмни акс эттиринг.

2020 йилнинг I чорағи учун дивидендларни (200 млн сўм), имтиёзли сумма сифатида Ҳисоб-китобнинг 111-сатрида акс эттиринг. Улар 110-сатрда «Имтиёзлар жами» автоматик тарзда акс эттирилади.

Корхона томонидан МЧЖдан олинган дивидендларни (70 млн сўм) 3-илованинг «Солиқ агенти томонидан тўлов манбаида солиқ суммаси ушлаб қолинган ди-

видендлар тўғрисида маълумот» 6-устунида акс эттиринг. Фақат 50 млн сўмни ҳисобга олиш мумкинлиги боис, уларни Ҳисоб-китобга 3-илованинг 7-устунида ҳисобга олиш мумкин, 2,5 млн сўм солиқ суммасини эса – 3-илованинг 8-устунида. Қолган 20 млн сўм (70-50) суммаси 3-илованинг 9-устунида акс эттиринг ва у кейинги даврларда ҳисобга олина-

ди. Ҳисоб-китобнинг 100-сатрида «Ҳисобга олинган лозим бўлган олинган дивидендлар суммаси» ҳам ҳисобга олинган 50 млн сўм суммаси акс эттириш лозим.

Ҳисоб-китобнинг 120-сатрида солиқ базаси нолга (250-200-50) тенг бўлади. 140-сатрда ҳам солиқ суммаси нолга тенг бўлади.



ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобиди (4-илова, АВ рақами 3221) дивидендлар акс эттирилмайди.

Ушбу операциялар бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади

2020 йил февраль ойида имтиёзли дивидендларни ҳисоблаймиз ва тўлаймиз:

Операциянинг номи	Сумма, сўм	Дебет	Кредит
ХК мулкдорига дивидендлар ҳисобланди	200 000 000	8700- «Тақсимланмаган фойдани (қопланмаган зарарни) ҳисобга олувчи счётлар»	6610-«Тўланадиган дивидендлар»
Дивидендлар тўланди	200 000 000	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

2020 йил июль ойида дивидендларни олиш чоғида МЧЖдан «Даромад суммаси ва солиқ даври учун ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси тўғрисида маълумот»ни сўраб олишни тавсия қиламиз. Баённома ва МЧЖнинг тўлов манбаида солиқ ушлаб қолинганлиги тўғрисидаги маълумотномаси асосида куйидаги ўтказмаларни бажарамиз:

Операциянинг номи	Сумма	Дебет	Кредит
Олинган дивидендлар ҳисобланди	70 000 000	4840-«Олинган дивидендлар»	9520-«Дивидендлар кўринишидаги даромадлар»
Тўлов манбаида дивидендлар тарзидаги даромадлардан олинган солиқ (5%) ушлаб қолинганлиги акс эттирилди	3 500 000	9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар» 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» 4840-«Олинган дивидендлар»
МЧЖдан дивидендлар олинди	66 500 000	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	4840-«Олинган дивидендлар»

2020 йил сентябрь ойида дивидендлар ҳисобланиши ва тўланишини акс эттирамиз:

Операциянинг номи	Сумма	Дебет	Кредит
ХК мулкдорига дивидендлар ҳисобланди	50 000 000	8700- «Тақсимланмаган фойдани (қопланмаган зарарни) ҳисобга олувчи счётлар»	6610-«Тўланадиган дивидендлар»
Дивидендлар тўланди	50 000 000	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Агар дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш чоғида ҳисобга олишни қўллаган бўлсангиз:

Операциянинг номи	Сумма, сўм	Дебет	Кредит
ХК мулкдорига дивидендлар ҳисобланди	50 000 000	8710- Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)	6610-«Тўланадиган дивидендлар»
Дивидендлар тарзидаги даромадлардан олинган солиқ (5%) ушлаб қолинди	2 500 000	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Дивидендлар тўланди	47 500 000	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Сиз Ҳисоб-китоб асосида ортиқча ушлаб қолинган солиқни сторнировка қилишингиз (ёки тесқари ўтказмани бажаришингиз) ва ушбу суммаси мулкдорга тўлашингиз мумкин:

Операциянинг номи	Сумма	Дебет	Кредит
Ортиқча ушлаб қолинган дивидендлар тарзидаги даромадлардан олинган солиқ сторнировка қилинди	- 2 500 000	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Дивидендлар тўланди	2 500 000	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

ХИЗМАТЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖОЙИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ

? Агар умумий овқатланиш, дам олиш, туризм, маданият, спорт ва таълим соҳасида хизматларни хорижий компания кўрсатса, ким ҚҚСни тўлаши керак?

Бунда қандай қилиб реализация қилиш жойини тўғри аниқлаш мумкин?

– Куйидаги хизматлар:
 • умумий овқатланиш;
 • кўнгилочар ва дам олиш;
 • туризм;
 • меҳмонхона хизматлари ва жойлаштируви;
 • маданият, санъат;
 • жисмоний тарбия ва спорт;
 • ўқитиш (таълим) соҳасидаги, шу жумладан малака имтиҳонлари ўтказиш, семинарлар, малака ошириш курсларини, пуллик кўрғазмаларни, конференцияларни, симпозиумларни ва бошқа шунга ўхшаш

тадбирларни ташкил этишга доир хизматлар ҳақиқатда кўрсатилган жой бўйича хизматларни реализация қилиш жойи аниқланади (СК 241-м. 3-қ. 3-б.).

Агар юқорида кўрсатилган хизматлар Ўзбекистонда кўрсатилган бўлса, уларни ким – хорижий компания ёки Ўзбекистон корхонаси кўрсатишидан қатъи назар, Ўзбекистон реализация қилиш жойи бўлади. Бинобарин, хизматларни реализация қилиш Ўзбекистонда ҚҚС солинадиган айланма деб эътироф этилади.



Солиқ тўловчидан бундай фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда (агар қонунчиликда унинг мавжуд бўлиши талаб этилса) куйидаги хизмат турлари ҚҚС солишдан озод этилган:

- мактабгача таълим муассасаларида (ташкilotларида) болаларга қараш бўйича;
- ўқитиш (таълим) бўйича, шу жумладан тест синовлари ва имтиҳонлар ўтказишни ташкил этиши. Хусусан – хизматлар: таълим хизматлари – бошланғич, ўрта, ўрта махсус, техник ва касб-ҳунар, олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасидаги;
- таълим муассасалари (ташкilotлари), шунингдек кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширадиган ташкilotлар томонидан кўрсатиладиган қўшимча таълим бериш бўйича;
- мактабгача таълим ва тарбия дастурлари доирасида таълим тарбиялаш фаолиятини амалга оширувчи ташкilotларда болаларга қараш ва уларни парвартиш бўйича;
- тўғарақларда, секцияларда (шу жумладан спорт секцияларида) ва студияларда вояга етмаган болалар билан машғулотлар ўтказиш бўйича;
- жисмоний тарбия ва спорт ташкilotларининг хизматлари, хусусан: спорт иншоотларида, мактабларда, клубларда спорт турлари бўйича ўқув гуруҳлари ҳамда жамоаларида соғломлаштириш йўналишидаги жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказишга оид; умумжисмоний тайёргарлик хизматлари; спорт мусобақаларини ёки байрамларни, спорт-томоша тадбирларини ўтказиш бўйича;
- тадбирларга тайёргарлик кўриши ва уларни ўтказиш учун спорт иншоотларини ижарага бериш (СК 243-м. 1-қ. 10-б., 14-б. «б» кичик банди).

МИСОЛ. Ўзбекистон корхонаси Туркия компаниясининг буюртмаси асосида Истанбулда симпозиум ташкил этади

Симпозиумлар ташкил этиш бўйича хизматлар таълим хизматларига кириши боис, уларни реализация қилиш жойи улар амалда кўрсатилган жой бўйича аниқланади.

Мазкур ҳолда хизматларни кўрсатиш жойи Ўзбекистон ҳисобланмайди, сабаби симпозиум Туркияда ўтказилган. Шу боис Ўзбекистон корхонаси ўз хизматлари қийматидан ҚҚС тўламайди.

Ирина АХМЕТОВА, «Norma» МЧЖ эксперти.



Ушбу реализация қилиш жойини аниқлаш қондаси электрон шаклда кўрсатиладиган ўқитиш (таълим) соҳасидаги хизматларга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай хизматларни реализация қилиш жойини уларнинг харидорининг турган ёки фаолиятини амалга оширадиган жой бўйича аниқланг.

1-МИСОЛ. Россия компанияси Ўзбекистонда машҳур артистларнинг концертини ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатади

Ушбу хизматлар Ўзбекистонда кўрсатилганлиги боис, у уларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади. Тегишинча, улар бўйича ҚҚС Ўзбекистон бюджетига тўланган бўлиши керак. Ўзбекистон корхонаси – солиқ агенти сифатидаги буюртмачи Россия компанияси даромадларидан ҚҚС тўлайди.

2-МИСОЛ. Хорижий компания Ўзбекистонда халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатади

Мазкур ҳолатда хизматлар Ўзбекистонда кўрсатилган, шу боис у уларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади. Бироқ шунинг эътиборга олинган, спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича хизматлар ҳам уларнинг жумласига қирадиган жисмоний тарбия ва спортни ташкил этиш хизматлари ҚҚСдан озод этилган (СК 243-м. 1-қ. 14-б. «б» кичик банди).

ҲОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРНИ КАВЛАБ ОЛМАЙСИЗМИ – АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ ТўЛАШИНГИЗ МУМКИН

? Корхона дарё ўзани ҳудудидан ажратилган ер участкасида тош-шағал аралашмасини кавлаб олишни амалга оширмайди, балки уни кейинчалик қайта ишлаш ва реализация қилиш учун сотиб олади. У айланмадан олинган солиқ тўлаши мумкинми?

Ушбу саволга жавоб беришни buxgalter.uz ДСҚ Солиқ солиш бўйича маслаҳат бошқармаси мутахассиси Евгения ГУСАКОВАдан илтимос қилди:

– Айланмадан олинган солиқ ҳойдали қазилмаларни кавлаб олишни амалга оширувчи юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди (СК 461-м. 2-қ. 2-б.).

Ҳойдали қазилмаларни кавлаб олиш – бу ҳойдали қазилмаларни ер қазридан юзага чиқариб олиш билан боғлиқ ишлар мажмуи («Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонун 2-м. 14-хат-боиши).

Ер қазридан ҳойдаланиш, шу жумладан – ҳойдали қазилмаларни кавлаб олиш лицензия асосида амалга оширилади. Ўзларига берилган ер участкалари доирасида захиралари ҳойдали қазилмалар захиралари давлат баланси ҳисобига олинмаган кенг тарқалган ҳойдали қазилмаларни кавлаб

олишни лицензия олмасдан амалга ошириш мумкин (Қонуннинг 22–31-моддалари).



Агар ер участкаси ҳойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ажратилган бўлса, бироқ сиз ундан шу мақсадда ҳойдаланиш ниятингиз бўлмаса, лицензияловчи орган билан биргаликда ер қазри участкасидан ҳойдаланиш ҳуқуқи чекланиши, тўхтаиб турилиши ёки мuddатидан илгари тугатилиши масаласини ҳал қилинг (Қонуннинг 34-м.).

Агар сиз ер қазридан ҳойдали қазилмаларни юзага чиқариб олишни амалга оширмасангиз, балки уларни бошқа корхоналардан сотиб олсангиз, сиз ҳойдали қазилмаларни кавлаб олишни амалга оширмайсиз.

Корхона айланмадан олинган солиқни тўлашга ҳақли, агар:

- солиқ даври (календарь йил) учун жами даромади 1 млрд сўмдан ошмаган бўлса;
- у СКнинг 461-моддаси 2-қисмида келтирилган, уларга нисбатан айланмадан олинган солиқ татбиқ этилмайдиган корхоналарга мансуб бўлмаса.

ҚҚС ва ҳойда солиғи тўловчилар навбатдаги солиқ даври, яъни 1 январдан бошлаб айланмадан олинган солиқни тўлашга ўтишга ҳақли. Бунинг учун йил бошланишига қадар 10 кундан кечиктирмай солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органига хабарнома беринг.

Янги ташкил этилган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида танланган солиқ солиш тартибини кўрсатиш орқали айланмадан олинган солиқни тўлаш тартибини танлаш ҳуқуқига эга.

Агар илгари сиз ҚҚСни ва ҳойда солигини тўлашга ихтиёрий равишда ўтган бўлсангиз, айланмадан олинган солиқни тўлашга қамда 12 ойдан кейин қайта ўтишингиз мумкин, бунда жорий календарь йил якунлари бўйича жами даромадлар 1 млрд сўмдан ошмаган бўлиши керак (СК 461, 462-моддалари).



УЛУШНИ ТЕКИН БЕРИШДА СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

? 2 та юридик шахс МЧЖ муассислари ҳисобланади. Муассислар уллардан бири МЧЖ устав фондидаги ўз улушини иккинчисига текин беришига келишиб олишди. Иккала муассис ҳам ЎзР резиденти ҳисобланади, умумбелгиланган солиқларни тўлайди. Улушни текин бериш қандай солиқ оқибатларини келтириб чиқариши мумкин?

– Устав фондидаги улуш берилаётган МЧЖда солиқ оқибатлари юзага келмайди. Бухгалтерия ҳисобида таҳлилий ҳисобда 8330-«Пай ва улушлар» счёти бўйича – улушни бераётган мутахассис уни олаётган мутахассисга алмаштирилади деган ёзув қайд этилади.

МЧЖ устав фондидаги улушни текин бераётган юридик шахсда солиқ оқибатлари

Юридик шахснинг устав фондидаги улушни беришдан молиявий натижа бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади (СК 298-м.).


Бошқа корхоналарнинг устав фондидаги улушлари юридик шахсда узок муддатли инвестициялар сифатида узок муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда (0600) ҳисобга олинади. Инвестицияларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа унинг чиқиб кетишидан олинган тушум ва қайта баҳолаш натижасида (инвестиция қайта баҳоланган бўлса) тузилган харажатларни (брокер ёки дилерлар хизмат ҳақи) чегирган ҳолдаги баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади (АВ томонидан 16.01.1999 йилда 596-сон билан рўйхатдан ўтказилган 12-сон БҲМСнинг 22-банди).

Улуш текин берилганда зарар қўрилади. Фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда қўрилган зарар суммаси чегирилмайдиган харажат ҳисобланади (СК 317-м. 18-б.).

Юридик шахснинг устав фондидаги иштирок улуши мулкый ҳуқуқ ҳисобланади. Солиқ солиш мақсадларида мулкый ҳуқуқлар товар деб эътироф этилади. Устав фондидаги улушни текин бериш товарларни реализация қилиш бўйича айланма ҳисобланади. Бирок реализация қилиш бўйича айланма ҚҚСдан озод этилади (СК 45-м. 3, 5-қ., 238-м. 1-қ. 1-б., 239-м. 1-қ. 2-б., 244-м. 1-қ. 3-б.).

МЧЖ устав фондида текин улуш оладиган юридик шахсда солиқ оқибатлари

Юридик шахс томонидан текин олинган устав фондидаги улуш унинг даромади ҳисобланади. Даромад унинг номинал қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Мазкур даромад фойда солиғини ҳисоблашда жами даромад таркибида солиқ базасига киритилади (СК 297-м. 3-қ. 10-б.).



БИНО ТЎЛИҚ АМОРТИЗАЦИЯЛАНГАН...

? 2020 йил сентябрь ойида корхона солиқ солиш мақсадларида бинони унинг қийматини бозор қийматига тўғрилаб қайта баҳолади. Аввал кўчмас мулк тўлиқ амортизацияланган.

1. Қайта баҳолаш қандай бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштирилади?
2. Кейинчалик мазкур бино бўйича амортизация қандай ҳисобланади?

1 Кўчмас мулк юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ солинадиган объект ҳисобланади. Бино бўйича унинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати солиқ базаси ҳисобланади. Тўлиқ амортизацияланган бино бўйича унинг 3 йилда камида 1 марта қайта баҳоланадиган (бозор) қиймати солиқ базаси ҳисобланади (СК 411-м. 1-қ., 412-м. 1-қ. 1-б.). СКнинг 412-моддасида кўрсатилган бинони қайта баҳолаш мол-мулк солиғи солиш мақсадларида амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди.

2 Бино тўлиқ амортизациялангани сабабли у бўйича амортизация ҳисобланмайди (АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган 5-сон БҲМСнинг 35-банди «з» кичик банди).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

? Корхона (айланмадан олинадиган солиқни тўловчи, асосий фаолият тури – автосервис хизматлари кўрсатиши) мунтазам равишда автомобилларга хизмат кўрсатиши давомида ҳосил бўладиган металл бўлақларини қора металлни қайта ишлаш корхонасига топширади. Қора металлни қайта ишлаш корхонаси топширилган металл бўлақларини уларнинг сонига ва белгиланган нархига қараб ҳисоблайди ҳамда бизнинг номимиздан қозғош шаклидаги ҳисобварақ-фактурани беради, кейинроқ эса ундаги суммани ўтказилади. Бу корхонамизнинг реализация қилиш бўйича айланмаси бўлганлиги сабабли ушбу суммага ЭХФ тақдим этишимиз лозим. 2020 йилнинг III чорагидан бошлаб Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоб-китобининг 3-устуни 010-сатри тақдим этилган ЭХФга асосан автоматик тарзда шакллантирилади. 2020 йилдан бошлаб металл парчаларини топшириши алоҳида фаолият тури ҳисобланганими? Ундан тузилган тушумнинг ҳаммасига айланмадан олинадиган солиқ солинадими?

МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

– Йўқ, автосервис томонидан металл парчалари қора металлни қайта ишлаш корхонасига топширилиши алоҳида фаолият тури ҳисобланмайди.

Металл парчалари реализация қилинганда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобланадиган уларнинг чиқиб кетишидан олинган даромад (фойда) айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ базаси ҳисобланади (СК 298-м., 463-м. 1-қ., 464-м. 1-қ.). Металл парчалари реализация қилинганда Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоб-китобининг (9-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 3-устуни 010-сатрининг ЭХФ асосида автоматик тарзда тўлдирилиши солиқ базасида ҳаттолик юзага келишига, шунингдек солиқ суммасининг нотўғри ҳисобланишига олиб келади.

Бирок айти пайтда my.soliq.uz сайтида Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоб-китобининг 3-устуни 010-сатри бўйича автоматик тарзда



тўлдирилган сумма тавсиявий тусга эга. Рақамни ўзгартириш мумкин. Бунинг учун фаолият турлари бўйича 010-сатрининг 4, 5, 6... 9-устунлари қўлда тўлдирилади. Сўнгги рақамларга 1-«Бошқа даромадлар» иловасининг 0303-сатрига металл парчаларининг чиқиб кетишидан олинган даромад суммаси киритилади. Ушбу сумма 1-илованинг 010 ва 030-сатрларида, шунингдек Ҳисоб-китобининг 030-сатрида автоматик тарзда акс этади. Натижада Ҳисоб-китобининг 040-сатри бўйича солиқ солинадиган жами даромаднинг тўғри ҳисобланган суммаси ҳосил бўлади.

ННТ ВА ҲИСОБ СИЁСАТИ

? Нодавлат нотижорат (диний) ташкилот тадбиркорлик фаолиятини юритмайди, фақат солиқ агенти сифатида ходимларнинг иш ҳақидан иктимой солиқ ва ЖШДС тўлайди.

ННТ солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсатини қабул қилиши лозимми?

– Барча юридик шахслар, шу жумладан ННТда солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсати бўлиши керак. У солиқ тўловчи томонидан мустақил белгиланиши ва қуйидаги муддатларда тасдиқланиши лозим:

- фаолият юритаётган корхоналар учун – ҳисоб сиёсати қўлланиладиган йилнинг 1 январига қадар;
- янги ташкил этилган корхоналар учун – ташкил этилгандан кейинги биринчи ҳисобот даври давомида (СК 77-м.).

ННТда йил давомида фойда солиғи ва (ёки) ҚҚСни тўлаш бўйича мажбуриятлар юзага келиши мумкин. Солиқ кодексига фаолият юритаётган корхонада йил давомида солиқларни тўлаш бўйича мажбуриятлар юзага келганда солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсатини тасдиқлаш назарда тутилмаган. Шу боис, фикримизча, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмайдиган ННТда солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсати бўлиши лозим.

СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН ВА УНДАН ОЗОД ЭТИЛГАН АЙЛАНМАЛАР МАВЖУД БЎЛГАНДА ҚҚС ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

Умумий ҳолида биноан фақат реализация қилиш бўйича солиқ солинадиган, шу жумладан ноль даражали ставка бўйича, айланмаларда фойдаланиладиган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС ҳисобга олиниши мумкин (СК 266-м. 1-қ. 1-б.). Корхонада солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган айланмалар мавжуд бўлган тақдирда қандай йўл тутиш ҳақида buxgalter.uz илтимосига биноан «Notma» компанияси эксперти Ирина АХМЕТОВА сўзлаб берди.

Уларни реализация қилишда ҚҚСдан озод этилган товарлар ва хизматлар СКнинг 243-моддасида келтирилган.

Солиқ солишдан озод этилган айланмаларга тўғри келадиган «кирувчи» ҚҚС сотиб олинган товарларнинг (хизматларнинг) қийматида ёки муайян ҳолларда – фойда солигини ҳисоблаб чиқариш чоғида чегириб ташланадиган харажатлар таркибида ҳисобга олинади (СК 267-м. 3-қ., 268-м. 5-қ.).

Агар сизда ҚҚС солинадиган ва ундан озод этилган айланмалар мавжуд бўлса, алоҳида-алоҳида ҳисобни ташкил этинг (СК 80-м.):

- товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича;
- товарларни (хизматларни) сотиб олиш бўйича.



2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган хизматларни кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ҳақиқатда олинган ва ушбу оборотда фойдаланиладиган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга. Ҳисобга олиш учун мазкур айланма солиқ солинадиган айланмага тенглаштирилади (СК 266-м. 2-қ.).

МИСОЛ. Ўзбекистон реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган хизматларни кўрсатишда ҚҚСни ҳисобга олиш

Ўзбекистон қурилиш компанияси Қозоғистон корхонаси билан шартномага биноан Қозоғистонда савдо мажмуасини кўради. Мазкур ҳолда хизматлар кўчмас мулк (қурилиш объекти) билан боғлиқ. Шу боис уларни реализация қилиш жойи ушбу мол-мулк жойлашган жой бўйича аниқланади – Қозоғистон. Бинобарин, Ўзбекистон корхонаси уларнинг қийматига ҚҚС ҳисобламайди. Бироқ Ўзбекистонда сотиб олинган ва ушбу айланмада фойдаланиладиган товарлар ва хизматлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш мумкин.

«Кирувчи» ҚҚСнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини қандай юритиш мумкин?

«Кирувчи» ҚҚСнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини қуйидаги учта товарлар (хизматлар) гуруҳи бўйича ташкил этинг:

- 1) ҚҚС солинадиган айланмаларда фойдаланиладиган;
- 2) ҚҚС солишдан озод этилган айланмаларда фойдаланиладиган;
- 3) ҳам солиқ солинадиган, ҳам солиқ солишдан озод этилган айланмаларда фойдаланиладиган.

Сотиб олинган товарлар ва хизматлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олишингиз мумкин, агар улар қуйидагиларда фойдаланилаётган бўлса (СК 266-м.):

- реализация қилиш бўйича ҚҚС солинадиган айланмаларда, шу жумладан – ноль даражали ставка бўйича (СК 266-м. 1-қ. 1-б.);
- корхонанинг шахсий эҳтиёжлари учун фойдаланишга мўлжалланган ва фойда солигини ҳисоблаб чиқаришда чегириб ташланадиган харажатлар сифатида ҳисобланадиган (СК 267-м. 1-қ., 7-б.).

«Кирувчи» ҚҚСни ҳисобга олманг, балки уни қуйидагиларнинг сотиб олиш қийматига киритинг:

- реализация қилиш бўйича ҚҚСдан озод этилган айланмаларда фойдаланиш учун сотиб олинган асосий воситалар, кўчмас мулк объектлари ва номоддий активлар, шунингдек АВни ва кўчмас мулк объектларини қуриш, модернизациялаш, реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва таъмирлаш учун сотиб олинган товарлар (хизматлар);
- реализация қилиш бўйича ҚҚСдан озод этилган айланмаларда фойдаланиш учун сотиб олинган товарлар (хизматлар);

• вакиллик харажатлари сифатида ҳисобланадиган товарлар ва хизматлар;

• бепул олинган товарлар (хизматлар). Истисно – агар сиз уни чет эллик шахсдан олган ва олиш чоғида солиқ тўлаган бўлсангиз;

• уларга харажатлар фойда солигини ҳисоблаб чиқаришда чегириб ташланмайдиган, шахсий эҳтиёжлари учун сотиб олинган товарлар (хизматлар) (СК 317-м.);

• енгил автомобиллар, мотоцикллар, вертолётларни, моторли қайиқлар, самолётлар, моторли воситаларнинг бошқа турлари ва улар учун ёқилги, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, агар сотиб олиш амалга оширилаётган фаолият тури билан боғлиқ бўлмаса (СК 267-м. 1, 2-қисмлари).

Агарда сиз бир вақтда ҳам солиқ солинадиган, ҳам солиқ солишдан озод этилган айланмаларни амалга оширсангиз, «кирувчи» ҚҚСни тақсимлаш зарур.

Солиқ солинадиган ва солиқ солишдан озод этилган айланмалар мавжуд бўлганда ҳисобга олиниши лозим бўлган ҚҚС суммасини қуйидаги усуллардан бири ёрдамида аниқлаш мумкин:

- 1) алоҳида-алоҳида;
 - 2) мутаносиб (СК 268-м. 2-қ.).
- Фаолиятингиз хусусиятига боғлиқ ҳолда ҳисобга олиниши лозим бўлган ҚҚСни аниқлаш усулини танланг, албатта уни ҳисоб сисъатида мустаҳкамланг ва календарь йил мобайнида уни ўзгартирманг.



ҚҚС бўйича ҳисоботни тўлдириш (1-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) чоғида «ҚҚС тўловчиси ҳақида маълумотлар»да танланган «кирувчи» ҚҚСни тақсимлаш усулини белгилашни унутманг – алоҳида-алоҳида ёки мутаносиб. Ушбу белгисиз ҳисоботни жўнатиб бўлмайди. Январь ойи учун ҳисоботни топириши чоғида танланган усулни йил якунигача ўзгартириш мумкин эмас.

«Кировчи» ҚҚСни тақсимлашнинг алоҳида-алоҳида усули қачон қўлланилади?

Агар сиз олинган товарлар ва хизматлар қандай – солиқ солинадиган ёки солиқ солишдан озод этилган айланмада фойдаланилишини олдиндан аниқлай олсангиз, алоҳида-алоҳида усулни қўланг. Солиқ солинадиган айланмада фойдаланиладиган товарлар ва хизматларни ва улар бўйича ҚҚС суммаларини солиқ солишдан озод этилган айланмада фойдаланиладиганлардан алоҳида ҳисобга олинг. Бунда ажратиш мумкин бўлмаган умумий харажатлар бўйича мутаносиб усулни қўланг. Қондага кўра, бу – бутун корхона фаолиятига тааллуқли бўлган умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатлари.

Мутаносиб усул бўйича ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси-

ни реализация қилиш бўйича айланманинг умумий суммасида солиқни ҳисобга олмаган ҳолда) солиқ солинадиган айланманинг салмоғидан келиб чиқиб аниқланг. Реализация қилиш бўйича айланмаларни жорий календарь йил мобайнида ўсиб борувчи якун билан ҳисобга олинг.

Мутаносиб усулдан фойдаланишда ҳисобга олинмаган солиқни фойда солигини ҳисоблаб чиқаришда чегириладиган харажатларга киритинг (СК 268-м. 5-қ.).

Солиқ солишдан озод этилган айланмаларда фойдаланиш учун сотиб олинган товарлар ва хизматлар бўйича ҚҚС суммасини ушбу товарлар ва хизматлар қийматига киритинг.

МИСОЛ. Корхона ҳисобга олинадиган ҚҚСни аниқлашнинг алоҳида-алоҳида усулини қўллайди

ҚҚС тўловчиси бўлган корхона ҚҚСдан озод этилган тиббий хизматлар ва ҚҚС солинадиган косметология хизматлари кўрсатади (СК 243-м. 1-қ., 11-б.).

Ҳисобот ойда фаолият учун 23 000 минг сўмлик материаллар сотиб олинди, шу жумладан ҚҚС – 3 000 минг сўм. 18 400 минг сўмлик (шу жумладан ҚҚС – 2 400 минг сўм) материаллардан тиббий хизматлар кўрсатиш учун фойдаланилди, қолган 4 600 минг сўмлик (шу жумладан ҚҚС – 600 минг сўм) материаллардан – косметология хизматлари кўрсатиш учун фойдаланилди.

Ҳисобга олиниши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлаш учун корхона алоҳида-алоҳида усулдан фойдаланади. Ишлаб чиқариш ва маъмурий биноларни ижарага олишга харажатлар ҳисобот ойда 5 750 минг сўмини, шу жумладан ҚҚС – 750 минг сўмини ташкил этди.

ҚҚС солинадиган айланманинг умумий айланмада улуши йил бошидан бошлаб 30%ни, солиқ солишдан озод этилган айланманинг улуши – 70%ни ташкил этди. Бинобарин, корхона ижара бўйича 225 минг сўм (750 х 30%) миқдоридagi ҚҚСни ҳисобга олиши мумкин.

Жами 825 минг сўм ҳисобга олинади: 600 минг сўм – солиқ солинадиган айланма – косметология хизматлари кўрсатиш учун фойдаланилган материаллар бўйича, 225 минг сўм – ижара бўйича.

Қачон «кирувчи» ҚҚСни тақсимлашнинг мутаносиб усули қўлланилади?

Агар сиз олинган товарлар ва хизматлардан қандай ҳамда ҚҚС солинадиган ва ундан озод этилган айланмаларда фойдаланилишини аниқ аниқлай олмасангиз, барча олинган товарлар ва хизматлар бўйича «кирувчи» ҚҚСни тақсимлаш-

нинг мутаносиб усулини қўланг. Ҳисобга олинмаган солиқни фойда солигини ҳисоблаб чиқаришда чегириладиган харажатларга киритинг (СК 268-м. 5-қ.).

МИСОЛ. Корхона ҳисобга олинадиган ҚҚС суммасини аниқлашнинг мутаносиб усулини қўллайди

ҚҚС тўловчиси бўлган қурилиш корхонаси қуйидаги ишларни бажаради:

- ҚҚС солинадиган қурилиш-монтаж ишлари;
- аҳоли томонидан ХУМШ орқали ҳақ тўланадиган ва ҚҚСдан озод этилган уй-жой фондиди таъмирлаш ишлари (СК 243-м. 1-қ., 16-б.).

Ҳисобот ойда корхона 57 500 минг сўмлик материаллар сотиб олди, шу жумладан ҚҚС – 7 500 минг сўм.

Реализация қилишдан олинган жами соф тушум йил бошидан бошлаб 120 000 минг сўмини ташкил этди, шу жумладан:

- 36 000 минг сўм – ҚҚСдан озод этилган айланма;
- 84 000 минг сўм – у бўйича 12 600 минг сўм (84 000 х 15%) миқдоридa ҚҚС ҳисобланган солиқ солинадиган айланма.

Ҳисобга олиниши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлаш учун корхона мутаносиб усулни қўллайди. ҚҚС солинадиган айланманинг улуши 70%ни (84 000 / 120 000 х 100) ташкил этди. Бинобарин, корхона сотиб олинган материаллар бўйича 5 250 минг сўм (7 500 х 70%) миқдоридaги ҚҚСни ҳисобга олиши мумкин.



АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБИ АВТОМАТИК ТАРЗДА ҚАНДАЙ ТЎЛДИРИЛАДИ

ЭХФга ўтиш билан солиқлар бўйича ҳисоботлар юқори даражада автоматлаштирилмоқда. Бир томондан, бу бухгалтерлар ва солиқчилар учун қулайдир. Бошқа томондан – товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадни Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоб-китобида (9-шлова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) автоматик тарзда акс эттириш амалиётда талай саволлар туғдирмоқда.

Ҳисоб-китоби қандай тўғри тўлдириш тўғрисида *buxgalter.uz* илтимосига биноан «Norma» компанияси эксперти Дилором САИДОВА гапириб берди.

Барча тақдим этилган ЭХФ суммаси (товарни экспорт қилишда – БЮД суммаси) энди Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоб-китобининг 010-сатри 3-устунида акс эттирилади.

Фараз қилайлик, 4 та вазият мавжуд:

1) Корхона ижарага олувчиларга коммунал хизматларни қоплашга ҳисобварақ-фактура тақдим этади. Ижарага берувчи учун қоплаш суммаси даромад ҳисобланмайди;

2) Корхона асосий воситани реализация қилди. Уни реализация қилишдан олинган даромад бошқа даромад ҳисобланади ва устун фаолият тури ставкаси бўйича солиқ солинади. Бундан ташқари, бухгалтерияга доир қонунчиликка мувофиқ аниқланадиган фойда АВни реализация қилишдан олинган даромад ҳисобланади. У ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган реализация қилиш суммасидан фарқ қилади;

3) Бош пудратчи ёрдамчи пудратчи ташкилотларни жалб қилган ҳолда қурилиш хизматлари кўрсатади. Унинг учун ўз кучи билан (ёрдамчи пудрат чегирилган ҳолда) бажарилган хизматлар солиқ солинадиган даромад ҳисобланади;

4) Воситачилик ташкилотлари ҳисобварақ-фактураларни қайта тақдим этади. Улар бўйича суммалар ҳам уларнинг даромади ҳисобланмайди.

Шу каби вазиятларни акс эттириш учун Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоб-китоби шаклига (10104_23 кодли) 0101-сатр «Электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиришда реализация сифатида қаралмайдиган даромадлар» қўшилди.

1. Корхона ижарага олувчига коммунал хизматларни қоплашга ЭХФ тақдим этди

Корхона сентябрь ойидан бошлаб бинони ойига 5 млн сўмга оператив ижарага беради. Шартномага биноан ижарага олувчи, ижара ҳақидан ташқари, ҳар ойда коммунал хизматлар суммасини қоплайди. Сентябрь учун қоплаш суммаси 450 минг сўмни ташкил этди.

Ижарага берувчи икита ЭХФ тақдим этди: бино ижараси учун (5 млн сўм) ва коммунал хизматларни қоплаш учун (450 минг сўм).

2020 йилнинг III чораги учун Ҳисоб-китобининг 010-сатри

3-устуни қиймати олдинги давр кўрсаткичлари ва чорак учун барча тақдим этилган ЭХФларнинг суммасидан автоматик тарзда шакллантирилади.

Корхонада бошқа даромадлар йўқ деб фараз қиламиз.

010-сатрнинг 3-устунида автоматик тарзда 5 450 000 сўм пайдо бўлади.

Бироқ қоплаш суммаси ижарага берувчи учун даромад ҳисобланмайди, шу боис уни 0101-сатрда кўрсатиш зарур.

Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоб-китоби

сўм

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	Шу жумладан, фаолият турлари бўйича		
			Ижарага бериш бўйича фаолият (лизинг компанияларидан ташқари)		
1	2	3	4	5	6
Товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан олинган даромад	010	5 450 000	5 450 000		
Электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиришда реализация сифатида қаралмайдиган даромадлар	0101	450 000	450 000		
...					
Солиқ солинадиган жами даромад (010-сатр + 011-сатр + 012-сатр + 030-сатр)	040	5 000 000	5 000 000	0	0

2. Ҳисоб-китобда АВни реализация қилишдан олинган даромадни акс эттириш

Корхона 2020 йилнинг 9 ойи учун ишлаб чиқариш фаолиятидан даромад олди – 55 000 минг сўм. Бундан ташқари III чорақда у асосий воситани 12 800 минг сўмга реализация қилди:

АВнинг тиклаш қиймати – 14 000 минг сўм;
 ҳисобланган амортизация – 1 920 минг сўм;
 қайта баҳолаш сальдоси – 200 минг сўм.

АВни реализация қилишдан олинган молиявий натижа 920 минг сўмга (12 800 – 1 920) + 200) тенг.

Дастур II чорақ учун Ҳисоб-китоб ва III чорақ учун барча тасдиқланган ЭҲФлар маълумотларини Ҳисоб-китобнинг 010-сатри 3-устунида автоматик тарзда қўшди. Шу жумладан – 12 800 минг сўм миқдорда АВни реализация қилиш суммасини.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган асосий воситаларнинг чиқиб кети-

шидан олинадиган даромад асосий воситаларни реализация қилишда айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ базаси ҳисобланади (СК 298-м. 1-қ.). Мазкур мисолда бу – 920 минг сўм.

Солиқни тўғри ҳисоблаш учун АВни реализация қилиш суммаси – 12 800 минг сўмни товарларни реализация қилишдан олинган даромаддан (Ҳисоб-китобнинг 010-сатри) чиқариб ташлаш зарур. Бунинг учун уни Ҳисоб-китобнинг 0101-сатрида кўрсатинг.

Шундан кейин АВни реализация қилишдан олинган даромад – 920 минг сўмни Ҳисоб-китобга 1-илованинг 0303-сатрида кўрсатинг. Шундан сўнг у автоматик тарзда Ҳисоб-китобнинг 040-сатрида акс эттирилади ва солиқ базасига қўшилади.

Яқунда солиқ солинадиган жами даромад 55 920 минг сўмни (55 000 + 920) ташкил этади.

Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоб-китоби

сўм

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	Шу жумладан, фолият турлари бўйича		
			Саноат		
1	2	3	4	5	6
Товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан олинган даромад	010	67 800 000,00	67 800 000		
Электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиришда реализация сифатида қаралмайдиган даромадлар	0101	12 800 000	12 800 000		
...					
Реализация сифатида қаралмайдиган даромадлар (Ҳисоб-китобга 1-илованинг 030-сатри)	030	920 000	920 000	0	0
Солиқ солинадиган жами даромад (010-сатр + 011-сатр + 012-сатр + 030-сатр)	040	55 920 000,00	55 920 000	0	0

Бошқа даромадлар

сўм

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Бошқа даромадлар – жами (020-сатр + 030-сатр), шу жумладан:	010	920 000
Реализация сифатида қараладиган даромадлар – жами (0201-0206-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан:	020	0,00
Реализация сифатида қаралмайдиган даромадлар – жами (0301-03...-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан:	030	920 000
...		
асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромадлар	0303	920 000

3. Бош пудратчи ёрдамчи пудратчи ташкилотни жалб қилган ҳолда қурилиш ишларини бажарди

Бош пудратчи пардоз ишлари учун 150 млн сўм миқдордаги суммага шартнома тузди. Ишларнинг бир қисмини у ёрдамчи пудратчи ташкилот ёрдамида бажарди ва 60 млн сўм тўлади. Ёрдамчи пудратчининг хизматлари ҳужжат билан тасдиқланган.

Бош пудратчи буюртмачига 150 млн сўмга ЭҲФ тақдим этди, бироқ бош пудратчи учун фақат ўз кучи билан бажарган ишдан олинган даромад солиқ базаси ҳисобланади, яъни 90 млн сўм (150 – 60).

Айланмадан олиннадиган солиқ ҳисоб-китобида ёрдамчи пудратчи ташкилот томонидан бажарилган ишлар суммасини 0101-сатрда кўрсатиш зарур. Шундан кейин 040-сатрда «Солиқ солинадиган жами даромад» бош пудратчи ўз кучи билан бажарган хизматлар суммаси қолади.



Айланмадан олиннадиган солиқ ҳисоб-китоби

сўм

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	Шу жумладан, фаолият турлари бўйича		
			Қурилиш		
1	2	3	4	5	6
Товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан олинган даромад	010	150 000 000	150 000 000		
Электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиришда реализация сифатида қаралмайдиган даромадлар	0101	60 000 000	60 000 000		
...					
Солиқ солинадиган жами даромад (010-сатр + 011-сатр + 012-сатр + 030-сатр)	040	90 000 000	90 000 000	0	0

ЭЪЛОН

«ЖАВОБ БЕРАМИЗ» ИНФОКИОСКИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларни электрон кўллашмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни nptm.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскисидан топасиз.

Саволларни қуйидагича бериш мумкин:

- ✓ аввал nptm.uz сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўринишда жўнатган ҳолда;
- ✓ (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).




4. Корхона воситачилик хизматлари кўрсатади

Сугурта агентлиги (воситачи) 2020 йилнинг 9 ойи учун куйидаги кўрсаткичларга эга:

сугурта хизматларидан тушган тушум – 600 млн сўм, шу жумладан III чорак учун – 250 млн сўм;

агентлик ҳақи – 120 млн сўм, улардан III чорак учун – 50 млн сўм.

Воситачилик хизматлари аҳолига нақд ҳисоб-китобга кўрсатилганлиги боис, корхона 250 млн сўмга бир томонлама ҳисобварақ-фактура расмийлаштирди. Шунингдек у сугурта компаниясига агентлик ҳақи учун 50 млн сўм суммага



ҳисобварақ-фактура тақдим этди.

Ҳисоб-китобнинг 010-сатри 3-устунида III чорак учун дастур 370 млн сўм ҳисоблади:

II чорак учун 010-сатр суммасини – 70 млн сўм (120 – 50);

III чоракда барча тақдим этилган ЭҲФлар суммасини – 300 млн сўм (250 + 50).

Аҳолидан сугурта хизматлари учун олинган тушум агентнинг даромади ҳисобланмайди, шу боис уни Ҳисоб-китобнинг 0101-сатрида кўрсатиш зарур.

Айланмадан олинадиган солиқ ҳисоб-китоби

сўм

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	Шу жумладан, фаолият турлари бўйича		
			Воситачилик хизматлари кўрсатиш		
1	2	3	4	5	6
Товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан олинган даромад	010	370 000 000	370 000 000		
Электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиришда реализация сифатида қаралмайдиган даромадлар	0101	250 000 000	250 000 000		
...					
Солиқ солинадиган жами даромад (010-сатр + 011-сатр + 012-сатр + 030-сатр)	040	120 000 000	120 000 000	0	0

РЕКЛАМА



«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини
тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Тағшимаржон кўч., 1/1.

Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz.

web: www.norma.uz

-сон* обуна шартномаси

Тошкент ш.

2020 йил « » »

«NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ, бундан кейин Таҳририят деб юритилади, Устав асосида фаолият юритувчи директор Ф.С. Қурбонбоев тимсолида бир тарафдан ва

_____ бундан кейин Обуначи деб юритилади, _____ асосида фаолият юритувчи

_____ тимсолида иккинчи тарафдан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. Таҳририят 2021 йилда қуйидаги даврий нашрларни чиқариш ва Обуначига етказиб беришни таъминлаш мажбуриятини, Обуначи эса ушбу нашрлар қийматини тўлаш мажбуриятини оладилар:

Индекс	Нашрнинг номи	Обуна нархи (тўлов кунига МҲТЭКМда)	Обуначи тўлдиради	
			Нусхалар миқдори (дона)	Умумий сумма (сўм)
186	«Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари (йилига 52 сон)	2.3		
184	«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси (йилига 52 сон)	1.6		
197	«Норма маслаҳатчи» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилига 52 сон)	1.2		
172	«Налоговые и таможенные вести» ва «Норма» газеталари (йилига 52 сон)	2.3		
165	«Налоговые и таможенные вести» газетаси (йилига 52 сон)	1.6		
173	«Норма» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилига 52 сон)	1.2		

2. Жами тўлашга: _____ (_____) сўм, ҚҚС билан.

3. Таҳририят ўз зиммасига почта бўлимлари ёки бошқа ташкилотлар орқали нашрларни Обуначига мазкур шартноманинг 4-бандида кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил этиш мажбуриятини олади.

4. **ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН МАНЗИЛ** (Обуначи томонидан босма ҳарфлар билан аниқ қилиб тўлдирилади):

Почта индекси	_____	Минтақа/ Вилоят	_____	Шаҳар/ туман	_____
(қишлоқ / шаҳарча / хўжалик / кўча, мавзе, даҳа, уй, хонадон)					
Олувчининг Ф.И.Ш.	_____			Тел./факс	_____

5. Таҳририят қуйидаги ҳолларда нашрларни етказиб бериш юзасидан ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгар бўлмайди: агар Обуначи томонидан етказиб бериш манзили аниқ кўрсатилмаган бўлса; Обуначи Таҳририятга имзоланган ва тўлиқ расмийлаштирилган мазкур шартномани (Таҳририят нусхасини) тақдим этмаган бўлса.

6. Обуначи 2020 йилнинг 25 декабридан кечиктирмай Таҳририятнинг ҳисобрақамага обуна қийматининг 100%ини ўтказиш ва Таҳририятга тўлиқ расмийлаштирилган мазкур шартномани етказиш мажбуриятини олади. **Обунани ўз вақтида расмийлаштириш мақсадида Обуначи шартномани (78) 147-11-72 факси бўйича жўнатиши ҳам мумкин.**

7. Таҳририят нашрлар чиқарилишига қараб ҳар ой яқини бўйича Обуначига электрон ҳисобварақ-фактурани тақдим этади. Обуначи ҳар ойда тақдим этилган электрон ҳисобварақ-фактураларни улар тақдим этилган пайдан бошлаб 5 (беш) календарь кун мобайнида тасдиқлаш мажбуриятини олади.

*Шартноманинг сони сизнинг телефонингизнинг 7 та рақамидан иборат бўлади (кодсиз).

8. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда, Обуначи нашрларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта хизмати ёки бошқа етказиб берувчи ташкилот билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати ёки бошқа ташкилот томонидан нашрлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.

9. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик юзасидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

10. Мазкур шартнома **обуна қиймати Обуначи томонидан 2020 йил 25 декабридан кечиктирмай 100% тўлангандагина** кучга киради ва тарафлар томонидан ўз мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунига қадар амал қилади.

11. Мазкур шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низолар музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судининг кўриб чиқишига топширилади.

12. Тарафлар форс-мажор ҳолатлар: табиий офатлар, давлат органларининг ҳужжатлари қабул қилиниши ва тарафларнинг назоратидан ташқарида бўлган бошқа ҳолатлар оқибатида ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун жавобгар бўлмайдилар. Ўз мажбуриятларини бажара олмаслик ҳолати юзага келган Тараф бошқа Тарафни шартнома шартларини бажара олмаслик ҳолати юзага келганлиги ҳақида форс-мажор ҳолатлар бошланган пайдан бошлаб 7 (етти) иш кунни мобайнида хабардор қилиши ва мажбуриятлар бажарилишининг янги муддатларини келишиб олиши лозим.

13. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

ТАХРИРИЯТ:

«NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
100105, Тошкент ш., Таллимаржон кўч., 1/1,
Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш.,
Навоий кўч., 22.
Х/р: 2020 8000 3008 7382 7001
«KDB BANK UZBEKISTAN» банкида,
МФО 00842.
СТИР: 305504530, ИФУТ: 58130.
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтиш коди:
326010039431.
Тел./факс: (78) 147-11-72.
E-mail: obuna@norma.uz

ОБУНАЧИ:

Корхона,
ташкилот:
СТИР: ИФУТ:
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтиш коди:
Манзил:
Телефон, факс:
Х/р:
Банк: Банк коди:

Директор _____ **Ф.С. Қурбонбоев** Раҳбар

(ИМЗО)

(ИМЗО)

(Ф.И.Ш.)

М.Ў.



М.Ў.

ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАСИДА ТЕЛЕФОН РАҚАМИНГИЗ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МАНЗИЛИНИ ТЎЛИҚ КЎРСАТИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ!

Кўшимча маълумотларни (78) 147-11-72 телефони ва norma.uz сайтдан олишингиз мумкин.
100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22. E-mail: obuna@norma.uz.

СИЗ – «ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИСИЗ»

Солиқ органлари йирик солиқ тўловчилар жумласига кирадиган тadbиркорлик субъектлари рўйхатини яна кенгайтди. ДСҚ ҳузуридаги Худудлараро инспекциянинг хабарномасини олган хўжалик юритувчи субъектларда шубҳа туғилмоқда: қабул қилинган қарор қонунийми, ахир календарь йил якунланмади-ку? *Buxgalter.uz* илтимосига биноан вазиятни солиқ маслаҳатчиси Гулнора ЭРГАШЕВА шарҳлаб берди.

– Менинг тажрибамга кўра, тadbиркорлар бундай хабарномани кўриб, табиийки, норози бўлишади, сабаби «йирик солиқ тўловчи» билан «кичик тadbиркорлик субъекти» тушунчаларини чалкаштиришади. Ваҳоланки бу – турли хусусиятлар билан белгиланадиган бошқа-бошқа тушунчалардир. Зеро, кичик тadbиркорлик субъекти йирик солиқ тўловчи бўлиши ҳам мумкин.

Солиқ органининг бундай қарори қанчалик қонунийлиги борасида хабарномани олган ҳар бир солиқ тўловчи ўзи жавоб бериши мумкин. Ўз фаолиятининг молиявий натижаларига қаранг. Агар айланма 2019 йил августдан 2020 йил августга қадар (у ҳам кирради) 100,0 млрд сўмдан ошган бўлса, солиқ органларининг ҳаракати – қонуний. Бу Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомининг 4-банди «д» кичик бандида белгиланган нормага мувофиқ келади (*АВ рақами 3172, 12.07.2019 й.*).

Хўжалик юритувчи субъектни йирик солиқ тўловчилар жумласига киритиш учун солиқчиларга ҚҚС бўйича ҳисоботларни кўриб чиқиш етарли бўлади.

Куйидагилар йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилади:

а) акциз солиғига тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва акциз тўланадиган хизмат кўрсатувчи корхоналар;

б) тижорат банклари, товар-ҳом ашё, фонд ва валюта биржалари;

в) «Навобий КМК» ДҚ, «Олмалик КМК» АЖ ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар;

г) маҳсулот тақсимога оид битим бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган ташкилотлар;

д) маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушуми ўтган календарь йил якуни бўйича 100,0 млрд сўмдан юқори бўлган ёки кетма-кет келадиган 12 ойлик давр якуни бўйича ушбу миқдордан ошган юридик шахслар;

е) углеводород ҳом ашёси ва минерал ресурсларни казиб олувчи, қайта ишловчи, етказиб берувчи ва сотувчи ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи юридик шахслар, бундан автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари мустасно;

ж) Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғидан йўловчиларни ташини мақсадларида фойдаланувчи, халқаро ҳаво алоқаларини амалга оширувчи ва уларнинг таркибига кирувчи юридик шахслар (*Низомнинг 4-б.*).

Кичик тadbиркорлик субъектлари жумласига киритиш эса «Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ва Кичик тadbиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотлар таснифлагичи (*ВМнинг 24.08.2016 йилдаги 275-сон қарорига 1-илова*) асосида амалга оширилади. Бу ерда асосий мезон – фаолият тури ва ходимлар сони.

Олег ГАЕВОЙ тайёрлади.

ОБОДОНЛАШТИРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

? Корхона ўзининг атрофидаги ҳудудни ободонлаштириш учун 200 млн сўм харажат қилди, жумладан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўли асфальт қилинди. Ободонлаштирилган ҳудуд кадастр хужжатлари бўйича корхонага тегишли эмас.

1. Корхонанинг атрофидаги ҳудудни ободонлаштириш харажатлари бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади?

2. Бу қандай солиқ оқибатларига олиб келиши мумкин?

1 Корхонангиз ўзига тегишли бўлмаган умумий фойдаланишдаги ҳудудни ободонлаштирган. Шаҳарлар ва кишлоқларни ободонлаштириш ишларини бажаришга оид харажатлар бошқа операция харажатларга киритилади.

Бухгалтерия проводкаси куйидагича бўлади:

• 9430-«Бошқа операция харажатлар» счёти дебети

• 1000-«Материаллар», 6710-«Мехнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблаштишлар», 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар», 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга

тўланадиган счётлар», 6990-«Бошқа мажбуриятлар» счётлари кредити.

2 **Фойда солиғини** ҳисоблашда шаҳарларни ва шаҳарчаларни ободонлаштириш бўйича хизматлар кўрсатилганлик учун қилинган харажатлар солиқ базасидан тўланган (тўланиши лозим бўлган) ҚҚС ҳисобга олинмайди (*СК 317-м. 15-б.*).

Бундай ободонлаштиришни амалга ошириш учун товарлар (хизматлар) сотиб олинганда тўланган (тўланиши лозим бўлган) ҚҚС ҳисобга олинмайди (*СК 267-м. 1-қ. 7-б.*).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.



ХИЗМАТ КВАРТИРАСИ УЧУН МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҚЛАРИНИ ТЎЛАШ ЗАРУРМИ

? Корхонага кўп қаватли уйдаги квартира тегишли бўлиб, у вилоят филиалларидан хизмат сафарига юборилган ходимларнинг яшаши учун фойдаланилади. Ушбу кўчмас мулк объекти бўйича мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш зарурми?

Ушбу саволга жавоб беришни *buxgalter.uz* ДСҚ Солиқ солиш бўйича маслаҳат бошқармаси бошлиғи Азиз ҲОШИМОВдан илтимос қилди.

Мол-мулк солиғи

– Корхонага тегишли квартира мулк ҳуқуқи кадастр органида рўйхатдан ўтказилган лозим бўлган кўчмас мулкка киради. Бинобарин, у мол-мулк солиғи солиш объекти ҳисобланади (*СК 411-м.*).

Квартиранинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига 2% ставка бўйича солиқ солинади (*СК 412, 413, 415-м.*).

Ер солиғи

Кўп квартиралар уйлар эгалланган ерлар ер солиғи солиш объекти сифатида ҳисобланмайди, бундан яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари эгаллаган ер участкалари мустасно (*СК 426-м. 2-қ. 12-б.*).

Бирок агар сиз ушбу ер участкаларидан хўжалик фаолиятини юритиш

учун фойдалансангиз, уларга солиқ солинади (*СК 426-м. 3-қ.*).

Агар кўп қаватли уйдаги квартиранинг ўз ходимлари, шу жумладан бошқа жойлардан хизмат сафарига юборилган ходимлари учун хизмат уй-жойи сифатида фойдаланилса, корхона ер солиғини тўлаши керак эмас.

! Агар кўп квартиралар уйдаги бинодан турар-жой бўлмаган бино сифатида фойдаланилса, ер солиғини тўлаш зарур. Масалан – офисни жойлаштириш учун. Кўп қаватли уйларда турар-жой бўлмаган биналар бўйича ер солиғи бинонинг қаватлар сонига бўлинган майдонига қараб ҳисобланади («2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида»ги Қонуннинг 9-иловасига 7-изох). Бинонинг майдони кадастр хужжатларида кўрсатилган.

МИСОЛ. Турар жой бўлмаган бино бўйича ер солиғи ҳисоб-китоби Корхонага майдони 180 кв.м бўлган, 9 қаватли уйнинг биринчи қаватида, Тошкент шаҳрининг 2-зонасида жойлашган турар жой бўлмаган бино тегишли. Ер солиғи қандай ҳисоблаб чиқарилади?

Юридик шахслардан олинмаган ер солиғи 0,002 га (180 / 9 / 10 000) га тенг ер участкаси майдони ва тегишли солиқ ставкасидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилади. Маълумот учун: 1 га = 10 000 кв.м.

2020 йил учун юридик шахслардан олинмаган ер солиғи ставкаси Тошкент шаҳрининг 2-зонаси учун 1 гектар учун 144 817 718 сўмни ташкил этади (589-сон Қонунга 9-илова).

Ер солиғининг йиллик суммаси: 0,002 x 144 817 718 = 289 635,44 сўм.

Тахририятдан: турар жойни қандай қилиб нотурар жойлар тоифасига ўтказиш ҳақида «Офисни квартирада очили қонунийми?» материалда ўқинг (*«СБХ», 6.10.2020 йилдаги 40-сон.*).

ДАРОМАД ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМАЙДИ

? ЎзРдаги хорижий компания ваколатхонаси бош компаниядан курьер хизмати орқали компаниянинг дастурий маҳсулоти тақдимотини ўтказиш учун намоиш дастури туширилган флэш-кани олган. Флэшка қиймати 120 АҚШ долларига тенг. Божхона органлари уни божхонадан ўтказишда божхона тартиб-таомиллари учун ҳисобни тақдим этдилар. Хорижий компания ваколатхонаси доимий муассаса ҳисобланади. Флэшка қиймати фойда солиғи бўйича солиқ базасига киритиладими?

– Хорижий компаниялар ваколатхоналари юридик шахслар ҳисобланмайдилар ҳамда ҳўжалик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдилар. Доимий муассаса деб эътироф этиладиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган хорижий авиакомпаниялар ваколатхоналари истисно этилади (Низомнинг 7, 8-б., ВМнинг 23.10.2000 йилдаги 410-сон қарорига 1-илова).

Ваколатхоналар даромад ва фойдага эга бўлмайди, улар бош компа-

ния томонидан қатъий белгиланган мақсадлар учун молиялаштирилади. Ваколатхона томонидан бош компаниядан қатъий белгиланган мақсадлар учун олинган флэшка даромаднинг юзига келтирмайди. Бундан ташқари, хорижий компаниялар ваколатхоналари фойда солиғини тўловчилар ҳисобланмайди.

Бинобарин, бош компаниядан қатъий белгиланган мақсадлар учун олинган флэшка қиймати ваколатхонанинг даромади ҳисобланмайди ва унга солиқ солинмайди.



ЧАРТЕР РЕЙС ВА ҚҚС

? Авиакасса Москва-Тошкент йўналиши бўйича чартер рейс ташкил қилди. Бунинг учун авиакасса Ўзбекистонда доимий муассасага эга бўлмаган Россия авиаташувчиси билан импорт шартномасини тузди. Россия авиаташувчиси томонидан чартер рейснинг ташкил этиши шартнома предмети ҳисобланади. Авиакассамиз ўриндиқлар сонига қараб чартер рейс қийматини тақсимлади, ўз нархини қўшди ва йўловчиларни ташиш учун авиачипталарни сотди. ҚҚСнинг ноль даражаси ставкаси бўйича солиқ солиши мақсадларида ташкилот халқаро ташишлар чартер рейси авиакассаси ҳисобланадими?

– Чартер рейслар – авиаташувчилар томонидан буюртмалар бўйича амалга ошириладиган рейслар бўлиб, уларнинг аниқ жадвали бўлмайди.

Сизнинг ҳолатда чет эллик шахс (авиаташувчи) томонидан буюртмачига (авиакасса) Москва-Тошкент йўналиши бўйича ташиш хизматлари кўрсатилган. Бунда Ўзбекистон Республикаси ушбу хизматларни кўрсатиш жойи ҳисобланмайди (СК 241-м. 3-қ. 4-б. «б» қичик б., 4-қ.). Бинобарин, авиаташувчининг хизматларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҚҚС солинмайди.

Буюртмачи (авиакасса) харид қилинган авиаташиш хизматлари қийматини ўриндиқлар сонига қараб тақсимлаган, ўз нархини қўшган ва чартер рейси йўловчиларига жойларни реализация қилган. Авиаташувчи билан тузилган шартномада кўрсатилган ташиш бўйича хизматлар қиймати реализация қилинган жойлар таннархига киритилган. Хизматлар буюртмачиси (авиакасса) ҚҚСнинг ноль даражаси ставкасини қўллай олмайди. Йўловчиларга жойларни реализация қилишга 15%лик ставка бўйича ҚҚС солинади.



Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

НКМ ҚАНДАЙ РЎЙХАТДАН ЧИҚАРИЛАДИ

? Корхона (МЧЖ) чакана дўконга эга. Янги онлайн-касса аппаратини ўрнатдик. Аввал оддий НКМдан фойдаланганмиз ва кассир-операциячининг назорат-касса дафтари юритганмиз.

1. Аввал фойдаланилган НКМни рўйхатдан чиқариш лозимми?
2. Онлайн-НКМдан фойдаланилганда кассир-операциячининг назорат-касса дафтари юритиш лозимми?

1 Ҳа, рўйхатдан чиқариш лозим. НКМни солиқ органларида рўйхатдан чиқариш Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасини фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини берган ҳолда фаолият амалга ошириладиган жой бўйича давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш тартибига (ВМнинг 17.11.2011 йилдаги 306-сон қарори билан тасдиқланган Низомга 1-илова) мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ органлари НКМни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги ариза (корхона реқвизитлари, НКМнинг модели ва завод рақами, рўйхатдан чиқариш сабаблари кўрсатилган ҳолда) ва унга илова қилинган ҳужжатлар (НКМнинг рўйхатдан ўтказиш карточкаси, инкассация хизматида тасдиқланган фаолиятнинг тугалланганлиги тўғрисидаги хат-билдиришноманинг нусхаси ҳамда кассир-операциячининг назорат-касса дафтари) олинганидан кейин НКМ рўйхатдан ўтказилган бутун давр учун фискал хотиранинг яқуний кўрсаткичларини оладилар. Бу ҳақда Тартибга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича далолатнома тузилади. Бир нусхаси корхонага



берилади. Ушбу ҳужжат корхона келгусида чакана савдо бўйича фаолиятини тиклайдиган ва қачондир рўйхатдан чиқарилган НКМдан фойдаланадиган бўлса асқотиши мумкин (Тартибнинг 27-29-бандлари).

Сўнгра солиқ органларининг мансабдор шахси НКМнинг рўйхатдан ўтказиш карточкасига ва НКМни рўйхатдан ўтказиш дафтари (солиқ органлари томонидан юритилади) рўйхатдан чиқариш ва рўйхатдан чиқарилган санани қайд этади. Ушбу ёзувлар қайд этилганидан кейин кассир-операциячининг назорат-касса дафтари ва НКМни рўйхатдан ўтказиш карточкаси юридик шахсга қайтарилади (Тартибнинг 30, 31-бандлари). НКМни рўйхатдан ўтказиш карточкаси касса аппаратининг рўйхатдан чиқарилганлигини ва те-

гишинча касса дафтариининг ёпилганлигини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

2 Йўқ, юритиш шарт эмас. Тадбиркорлик субъектлари онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтганида уларга нисбатан амалдаги фискал хотирали НКМни қўллаш ва кассир-операциячининг назорат-касса дафтари юритиш, иш куни охирида кунлик ҳисобот учун хар бир НКМ бўйича кўрсаткиччи олиш бўйича белгиланган мажбуриятлар бекор қилинади (6.09.2019 йилдаги ПФ-5813-сон Фармоннинг 3-банди «а» кичик банди).

Замира Жўраева,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Импорт қилувчи корхоналар бухгалтерларида имтиёздан фойдаланишда ҚҚС бўйича ҳисобга олиш механизмини қўллаш ва хизматлар импортини ҚҚС бўйича солиқ ҳисоботида акс эттириш тартиби билан боғлиқ саволлар туғилади. Вазиятни buxgaller.uz илтимосига биноан «Norma» компанияси эксперти Ирина АХМЕТОВА тушунтирди.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ «ИМПОРТ» ҚҚСНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ МУМКИН

Агар имтиёз мавжуд бўлса, «импорт» ҚҚС ҳисоби қандай юритилади?

Олиб киришда ҚҚСдан озод этилган товарлар рўйхати СКнинг 246-моддасида келтирилган.

2020 йилга қадар ҚҚС бўйича имтиёзлар, шу жумладан импорт қилишда, қуйидагича бўлиши мумкин эди:

- мақсадли – бўшайдиган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шarti билан;
- мақсадсиз – бўшайдиган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назарда тутмайдиган.

2020 йилдан бошлаб ҚҚС бўйича мақсадли имтиёзлар тақдим этиш, шу жумладан импорт бўйича, бекор қилинди (СК 75-м. 8-қ.).

Агар сиз 2020 йил 1 январга қадар қабул қилинган Президент ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан назарда тутилган «импорт» ҚҚС бўйича имтиёздан фойдаланган бўлсангиз, у унинг амал қилиш муддати тугагунга қадар амал қилади (30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон Қонуннинг 4-м.). Бироқ у мақсадли бўлса – 2020 йил 1 апрелдан бошлаб бўшайдиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш талаби бекор қилинган (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-б. 11-хатбоиши; МВнинг 16.04.2020 йилдаги 06/04-01-03-32/1107-сон хатини 13-б.). Имтиёз қўлланилиши натижасида бўшаган ва 2020 йил 1 апрелга қадар фойдаланилмаган мақсадли маблағлар унинг амал қилиш муддати тугагундан сўнг бир йил давомида имтиёз тақдим этишда белгиланган мақсадларга йўналтирилиши мумкин (СК 75-м. 7-қ.).

Мақсадсиз имтиёз бухгалтерия ҳисобиди қандай акс эттирилади?

Бухгалтерия ҳисобиди мақсадсиз имтиёзлар билан счётларида акс эттирилмайди. Уларни балансдан ташқари 013-счётда «ҚҚС бўйича вақтинчалик солиқ имтиёзлари» шу счётнинг дебетида имтиёз суммасини акс эттирган ҳолда юртинг (Низомнинг 3-§, АВ рақами 1463, 2.04.2005 й.).

Имтиёз дaври тугагач, балансдан ташқари 013-счётда дебет бўйича ҳисоби юритиладиган бўшаган маблағлар суммасини шу счётнинг кредитига ҳисобдан чиқаринг. Имтиёз суммасини молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида ҳам акс эттиринг.

МИСОЛ. ҚҚС тўловчиси бўлган корхона божхона тўловлари бўйича мақсадсиз имтиёздан фойдаланади

ҚҚС тўловчиси бўлган корхона ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ҳам ашёни (акция солиғи солинмайдиган товар) импорт қилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ички бозорда реализация қилинади. Ҳам ашёнинг контракт суммаси – 100 000 минг сўм.

Корхона олиб кириладиган ҳам ашё бўйича бўшайдиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш шартсиз божхона тўловларини тўлашдан озод этилган.

Ҳам ашёнинг божхона қийматидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган божхона тўловлари, шу жумладан ҚҚС 31 425 минг сўмини ташкил этди.

Бухгалтерия ҳисобиди импорт қилинган ҳам ашё бўйича ҚҚС мақсадсиз имтиёз мавжуд бўлган тақдирда қуйидагича акс эттирилади:

Ҳужжатлик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Счётлар корреспонденцияси	
		Дебет	Кредит
Импорт қилинган ҳам ашё кирим қилинди	100 000	1010-«Ҳам ашё ва материаллар»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
Божхона тўловларининг, шу жумладан ҚҚСнинг имтиёзли суммаси акс эттирилди	31 425	013-«Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)»	

Солиқ ҳисоботида хизматлар импорти бўйича ҚҚС қандай акс эттирилади?

Агар сизга Ўзбекистон солиқ органларида ҚҚС тўловчиси сифатида ҳисобга олинмаган чет эллик шахслар хизматлар кўрсатса ва Ўзбекистон реализация қилиш жойи деб эътироф этилса, сиз солиқ агенти сифатида уларнинг қийматидан солиқ тўлашингиз шарт. Бунда солиқ агенти бундай вазиятда у ҚҚС тўловчиси сифатида ҳисобга олинганлиги ёки олинмаганлигидан қатъи назар, ҚҚСни тўлайди (СК 255-м. 6-қ.).

Агар сиз ҚҚС тўловчи бўлсангиз, солиқнинг тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати асосида тўланган солиқ суммасини ҳисобга киритишингиз мумкин (СК 255-м. 9-қ., 266-м. 1-қ. 4-б.).

Солиқ агентлари сотиб олинган импорт қилинган хизматлардан ҚҚС бўйича алоҳида ҳисобот – Чет эллик шахслардан сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС ҳисоб-китобини тақдим этадилар (1-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.). Ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатлари:

ҚҚС тўловчиси бўлган солиқ агентлари учун – амалда хизматлар сотиб олинган ойдан кейинги ойнинг 20 кунидан кечиктирмай;

ҚҚС тўловчиси бўлмаган солиқ агентлари учун – солиқ тўланган ойдан кейинги ойнинг 20 кунидан кечиктирмай (СК 273-м. 4-қ.).

Хизматлар импорти бўйича тўланган ҚҚСни ҳисобга олиш учун ҚҚС тўловчиси бўлган солиқ агенти унинг суммасини ҚҚС ҳисоб-китобидида акс эттириши керак. Бунинг учун бир томонлама ЭХФ шакллантиринг ва уни Харидлар реестрига (ҚҚС ҳисоб-китобиди 4-илова) киритинг. Бунда ҚҚСни тўлаш санаси ушбу ЭХФнинг санаси бўлиши керак.

МИСОЛ. Хизматлар импорти бўйича ҚҚСни солиқ ҳисоботида акс эттириши

ҚҚС тўловчиси бўлган корхона Ўзбекистонда ҚҚС тўловчиси сифатида ҳисобга олинмаган хорижий компания хизматларидан фойдаланди. Ўзбекистон хизматларни реализация қилиш жойи ҳисобланади. Улар кўрсатилганлиги тўғрисидаги далолатнома 2020 йил сентябрь ойида расмийлаштирилган, улар қийматидан ҚҚС октябрда тўланган.

Корхона чет эллик шахслардан сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС ҳисоб-китобини 20 октябрдан кечиктирмай топиши керак. Октябр ойида ҚҚСни тўлаган ҳолда солиқ тўланган сана билан бир томонлама ЭХФ шакллантириши ва уни 20 ноябрдан кечиктирмай тақдим этиладиган октябр ойи учун ҚҚС ҳисоб-китобидида акс эттириши зарур. Шу тариқа, октябр ойида, хизматлар импорти қийматидан тўланган ҚҚС ҳисобга олинади.

ХИЗМАТЛАР ИМПОРТИДА ЭХФ ҚАНДАЙ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ

Хизматлар импорти қисмида мазкур тартиб-таомилнинг ўзига хос жиҳатлари Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда (2-илова, МВнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарори) баён этилмаган. Бошқа норматив ҳужжатларда ҳам ушбу масала юзасидан алоҳида аниқлаштиришлар мавжуд эмас. Бухгалтерлар учун ёрдам тариқасида buxgaller.uz солиқ маслаҳатчиси Гулнора ЭРГАШЕВАдан йўл-йўриқ олди.

– Бундай вазиятларда импорт қилувчи хорижий ҳамкорнинг номи, унинг мамлақати, банк реквизитларини кўрсатган ҳолда – бир томонлама ҳисобварақ-фактура тақдим этиши керак. «Етказиб берувчи» устунида хорижий ҳамкорнинг реквизитлари, «Буюртмачи» устунида эса – ташкилот – хизматларни олувчининг маълумотлари тўлдирилади.

СКнинг 255-моддасига асосан реализация қилиш жойи Ўзбекистон ҳисобланган хизматлар импортида солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш мажбурияти солиқ агенти сифатида хизматларни олган резидент зиммасида бўлади. Бунда хизматларни реализация қилиш жойини тўғри аниқлаш муҳимдир, сабаби ҚҚСни (29-кодли) ушлаб қолиш, ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш шунга боғлиқ. Бу масалада СКнинг 241-моддаси қоидаларига амал қилинган.

Агар Ўзбекистон хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилса ва СКнинг 243-245-моддаларида назарда тутилган имтиёзлар ва озод этишлар мавжуд бўлмаса, ҚҚСни 15% ставка бўйича тўлаш ва бунга ЭХФда акс эттириш зарур.

Агар Ўзбекистон хизматларни реализация қилиш жойи бўлмаса, ҚҚСни сиз тўламайсиз.

Шундан келиб чиқиб ЭХФ устунида тўлдирилади, уларда ҚҚС ставкаси ва суммасини, шунингдек харид қийматини кўрсатиш зарур.

Харид қиймати кўрсатилиши лозим бўлган устун хизматлар импорти бўйича шартнома маълумотлари асосида расмийлаштирилади, шу боис уни тузиш чоғида ҚҚСга доир шартларга эътибор қаратиш зарур.

Контрактлар шартларига мувофиқ хизматлар чет эллик шахслар томонидан ёки ҚҚС билан ёҳуд усиз тақдим этилади.

Агар ҚҚС контрактда келишилган бўлса, у оддий тартибда ушлаб қолинади ва бюджетга тўланади. Агар – келишилмаган бўлса, солиқ агентининг ўзи ҚҚСсиз кўрсатилган хизматлар қийматидан келиб чиқиб солиқ базасини аниқлайди, тегишли солиқ суммасини ҳисоблаб чиқаради ва бюджетга тўлайди.

Ҳар икки ҳолда ҳам ҚҚС тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати СКнинг 37-бобида мувофиқ тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқини беради.

МИСОЛ. Хорижий ҳамкор Ўзбекистон компаниясига ўз мамлақатининг 20% ҚҚС ставкасини инобатга олган ҳолда 120 ш.б. миқдоридида электрон хизматлар кўрсатди ва шу суммага инвойс тақдим этди. Ўзбекистон хизматлар кўрсатиши жойи ҳисобланади. Воқеаларнинг иккита сценарийси бўлиши мумкин:

1-вариант: шартнома бўйича 120 ш.б.га 15% (18 ш.б.) «бизнинг ҚҚС» қўйилади, Ўзбекистон компанияси уни ушлаб қолади ва бюджетга ўтказилади.

2-вариант: шартнома бўйича хизматлар қиймати «бизнинг ҚҚС»сиз 120 ш.б.га тенг (15% – 18 ш.б.). Бу ҳолда Ўзбекистон компанияси уни ўзи ҳисоблаб чиқаради ва бюджетга тўлайди.

Ҳисобварақ-фактурада солиқ базаси ва ҚҚС суммасини ҳисобварақ-фактурани (инвойс) тўлдириш санасида МБ курси бўйича эквивалентда акс эттиринг.

Олег ГАЕВОЙ тайёрлади.

✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

ЭКСПОРТЧИЛАРГА МОЛИЯВИЙ КЎМАК

Президентнинг 21.10.2020 йилдаги 6091-сон Фармони билан экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари белгиланди (хужжат матни «*Норма маслаҳатчи*» мазкур сонининг хужжатлар пакегида чоп этилмоқда).

Экспорт қилувчилар, шу жумладан, асосий фаолият тури савдо-воситачилик бўлган экспорт қилувчилар экспорттолни молиялаштириш, шу жумладан, айланма маблағлар учун ажратиладиган кредитлар бўйича кредит фойз ставкаси ва миқдоридан қатъи назар:

- миллий валютадаги кредитлар бўйича фойз харажатларининг 50%гача, бироқ 10 фойз банддан кўп бўлмаган миқдорда ва чет эл валютасидаги кредитлар бўйича 5 фойз банддан кўп бўлмаган миқдорда компенсациялар олишлари мумкин;

- кредит суммасининг 50%гача, бироқ 8 млрд сўмдан ошмаган миқдорда кафилик олишлари мумкин. Кафиликлар бўйича комиссия тўловлари 2 бараварга камайтирилади;

- ижобий кредит тарихига эга бўлса, аввал олган кредитлари бўйича қарздорлиги бўлишидан қатъи назар, қўшимча олиннадиган кредитлари бўйича юқорида баён этилган шартларда компенсация ва (ёки) кафиликлар олишлари мумкин.



Бу – муҳим! Юқорида баён этилган тартиб рўйхатида (29.11.2018 йилдаги ПФ-5587-сон Фармонга илова) ҳам ашё товарларига нисбатан таъбиқ этилмайди, шунингдек фақат 2021 йил якунига қадар амал қилади. 2022 йил 1 январдан бошлаб – илгариги тартиб (24.05.2019 йилдаги ПҚ-4337-сон) тикланади.

Молиялаштириш Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (Жамғарма) ҳисобидан амалга оширилади. Унга Экспортни рағбатлантириш агентлиги (Агентлик) ҳам қўшилади, унинг хузурида Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилади. Қуйидагилар унинг манбалари ҳисобланади:

- Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтармаслик шarti билан \$100 млн;

- халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий банклар ва хусусий молия компанияларининг қарзлари;

- маблағларни тижорат банклари депозитларига белгиланган тартибда жойлаштиришдан тушадиган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Агентлик томонидан экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспорттолни молиялаштириш кредитлари учун бир мартали молиявий ресурслар \$1 млн эквивалентидан ошмаган миқдорда ҳамда 1 йилгача муддатга тақдим этилади.

Агентлик томонидан ажратиладиган молиявий ресурслар ҳисобидан берилган кредитни тўлиқ сўндирмаган экспорт қилувчи учун бундай молиявий ресурслар ажратилганга йўл қўйилмайди. Банк экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспорттолни молиялаштириш кредитларини Агентлик ресурслари ҳисобидан берган тақдирда Жамғарма томонидан компенсациялар тақдим этилмайди.

Агентлик ҳамда Жамғарма томонидан экспортни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб борилади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (*lex.uz*) эълон қилинган ва 22.10.2020 йилдан қўчга кирди.

Олег ЗАМАНОВ, «Norma» МЧЖ эксперти.

✓ **ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ – ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ**

СИНОВЛИ КУНЛАРНИ ШУКРОНАЛИК ВА МЕТИН ИРОДА БИЛАН ЕНГИБ ЎТАЙЛИК!

Президентимизнинг коронавирус пандемияси сабабли юзага келган мураккаб даврда халқимизга кўрсатаётган эътибори, яратилаётган шарт-шароитлар ва ғамхўрлик халқимиз томонидан муносиб эътироф этилмоқда.

Хусусан, пандемия даврида қисқа вақт давомида тиббиёт ходимларига аҳолига беғул тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратилиб берилди. Коронавирус билан оғриган беморларни қабул қилиш масканлари, госпиталлар, лабораторияларда жаҳон стандартлари асосида керакли лаборатор таҳлиллар ўтказилиши учун барча реактивлар, тиббий аппаратлар мавжуд.

Шунингдек, барча тоифадаги тор мутахассисликдаги малакали шифокорлар ишга жалб этилиб, беморларни даволашда кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самардорлигини ошириш учун барча зарур шароитлар яратилди. Бу эса, ўз навбатида, беморларни тўлиқ диагностика текширувлардан ўтказиш, таъхислаш, даволаш имкониятини бермоқда.

Айниқса, Президентимиз томонидан чет давлатлардан мутахассисларни жалб этиб, малака алмашинуви асосида даволаш жараёнининг жадаллаштирилиши, «Биргаликда енгамиз» шiori остида пандемия даври ислохотларининг баҳамжихат олиб борилиши шифокорлар қалбига, руҳиятига қатта далда бўлди. Энг асосийси, бу ислохотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароити яратиб берилиши, одамларимиз етарли даражада сифатли тиббий ёрдам олиши учун тиббий муҳитнинг шакллантирилиши, янги-янги замонавий тиббий асбоб-ускуналарнинг кўпайтирилиши, зарур тиббий дори-дармон ва жиҳозларнинг ўз вақтида етарли даражада тарқатилиши халқимиз ва тиббиёт ходимлари учун берилаётган муносиб эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, пандемия даврида тез фурсатда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш узлуксизлигини таъминлаш, коронавирусга текширувларни тезкор ва самарали ташкил этиш ва беморларни керакли беғул дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича қилинадиган ишларга эътибор қаратилди. Коронавирус инфекцияси бўйича тест мусбат натижа берган ҳамда касаллик енгил кечаётганлиги сабабли шифокорлар тавсиясига асосан уйда даволанаётган беморлар учун ҳам тиббий воситалар беғул етказилапти.

Шуни эътироф этиш жоизки, амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда бизнинг Бухоро вилоятида ҳам Covid-19 бўйича вазият барқарорлашган. Аҳоли ўртасида инфекциянинг олдини олиш, карантин талаблари-



га амал қилиш борасида узлуксиз тушунтириш ишлари олиб борилапти. Бу борада ҳеч қандай хавотирга асос йўқ.

Президентимиз бир гал ўз нутқларида «Керак бўлса, махсус самолёт ажратиб, кислород концентраторларни Ўзбекистонга олиб қирамиз» деб пандемия даврида ҳар бир беморни даволаш учун кислородга эҳтиёж кескин ортишини олдиндан баҳолаб, амалга оширган саъй-ҳаракатлари Ўзбекистон халқига бўлган меҳр-мухаббати ифодаси бўлди.

Пандемия даврида халқимизнинг тиббий маданияти, савияси ва билимини мунтазам ошириб, ҳар кун коронавирус инфекцияси олдини олиш бўйича профилактика ишларини олиб бориб, аҳолига гигиена қоидаларига амал қилиш зарурлигини уқтиришимиз соғлиқни сақлаш соҳасида енгиллик яратилишида муҳим ўрин тутди.

Бугунги синовли кунларда барча соҳа вакиллари жиқлашиб, тинимсиз ҳаракат қилсак, қурашсак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий тиббий даволаш усулларида самарали фойдалансак, ўзимизни ва оила аъзоларимизни асраб-авайласак, эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз.

Кўринмас ёв билан курашга отланган, саломатлигимиз посбонлари ҳисобланувчи тиббиёт ходимлари эса ўзларининг бой билим ва маҳорати, илғор малака ва кўникмаси, касбига меҳр ва садоқати билан халқимиз қалбидан муносиб жой олади деб ишонаман.

Феруза ИКРАМОВА,

Бухоро вилояти Эндокринология диспансери олий тоифали шифокор эндокринологи, тиббиёт фанлари номзоди.

✓ **ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ**

80 ТОННАДАН ЗИЁД ЛИМОН САМАРҚАНДАН – ХОРИЖГА

Сўнгги йилларда республикада лимончилик тармоғини бошқариш тизимини ислох қилиш, лимонзорлар майдонини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажминини кўпайтириш борасида изчил чоралар амалга оширилмоқда.

Натижада бобо дехқонларимиз етиштираётган лимонлар хорижда ҳам ўз харидорларини топмоқда. Хусусан, Самарқанд вилояти иссиқхоналарида экспорттоп лимонларни етиштириш тобора ривожланмоқда.

Жорий йилнинг бугунги кунига қадар вилоятдан хорижга умумий қиймати 99,5 минг АҚШ долларлирик қарийб

80 тоннадан зиёд лимон экспорт қилинган. Бунда жонбозлик кўрсатаётган экспортчи корхоналар фаоллигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Қувонарлиси шуки, ушбу ташкилот иқтисодий фаолият иштирокчилари дунё бозорларида ўз маҳсулотлари билан ўрин эгаллашмоқда.

Масалан, вилоятда фаолият

юритаётган «Samarqand agro trade leader» ва «Azia metall prof» каби корхоналар ўз маҳсулотлари билан асосан Россия, Афғонистон ва Қозғоғистон давлатларининг савдо расталаридан ўрин олмақда.

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.

УТИЛИЗАЦИЯ ЙИГИМИНИНГ МИҚДОРИ ТИФ ТН КОДИ БЎЙИЧА

? Корхонамиз шу йилда ишлаб чиқарилган янги автокранни олиб келмоқчи. Унга нисбатан утилизация йиғими қўлланиладими?

– Вазирлар Маҳкамасининг «Гилдиракли транспорт воситалари, ўзйорар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини жорий этиш тўғрисида»ги қарори (2.06.2020 йилдаги 347-сон) 2020 йил 1 августдан бошлаб, Утилизация йиғими ставкалари ва утилизация йиғими тўланадиган гилдиракли транспорт воситалари, ўзйорар машиналар ва уларнинг тиркамалари турлари ва тоифаларининг рўйхати тасдиқланди.

Утилизация йиғими тўловчилари қаторида юқорида келтирилган транспорт воситаларини «Эркин муомалага чиқариш» (импорт) божхона режимда расмийлаштирадиган жисмоний ва юридик шахслар кўрсатилган (347-сон ВМКнинг 2-б. «а» кичик банди).

Утилизация йиғими ЎЗР божхона ҳудудига олиб кирилиши мўлжалланаётган транспорт воситасига нисбатан таъбиқ эти-

лиш-этилмаслигини ва унинг миқдорини фақат ТИФ ТН коди белгилангандан кейин аниқлаш мумкин бўлади.

Бир сўз билан айтганда, утилизация йиғими шу жумладан куйидаги транспорт воситалари учун тўланмайди:

- ишлаб чиқарилган йилидан бошлаб 30 ва ундан ортиқ йил ўтган L ва M1 тоифали, шунингдек, ишлаб чиқарилган йилидан бошлаб 50 ва ундан ортиқ йил ўтган, йўловчилар ва юкларни тижорат мақсадида ташиниш учун мўлжалланмаган, асл двигатели ва кузови билан асл ҳолатида сақланган ёки асл ҳолати тикланган M2, M3 ва N тоифали транспорт воситаларига;

- Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиб, «вақтинчалик олиб кириш» божхона режимига расмийлаштирилган транспорт воситаларига (347-сон ВМКнинг 2-б. «б» кичик банди).

БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Яқинда 2 ёки 3-усулга мослашувчан ёндашувга асосланган 6-божхона баҳолашининг захирадаги усулини қўллашда божхона қиймати тўғри ҳисобланганлигига баҳо бериш учун мантиқий назоратнинг янги филтрлари амалга киритилди.

Шу муносабат билан куйидагиларни билиш лозим:

- божхона органлари тизимларининг хабари ҳаволаки божхона юк декларациясидаги (БЮД) маълумотлар бўйича тўғри ҳисоб-китобни ўз ичига олади;

- божхона постининг ходими тизим томонидан рад этилган барча БЮДларни кўриш имкониятига эга.

Шунинг учун БЮД тизим томонидан рад этилган тақдирда божхона постига мурожаат қилинг. Божхона пости даражасида тушунтириш олишининг имконияти мавжуд бўлмаган тақдирдагина юқори турувчи инстанцияга мурожаат қилинг.

Божхона баҳолашининг захира усулини қўллаётганда:

1) баҳолаш маълумотини божхона органи, вергулдан кейин 3 та белгига қадар аниқлик билан тақдим этади;

2) айнан бир хил (ўхшаш) товар бўйича ҳаволаки БЮД (база)

қўлланилаётганда божхона қийматининг қайта ҳисоб-китоби (6.2 ва 6.3 усуллари) куйидаги тарзда амалга оширилади:

$$\text{Қий} = (\text{КЎх} \times \text{Ўвк}) / \text{Швк},$$

бунда:

Қий – 2 ёки 3-усулга асосланган 6-усул билан аниқланган баҳоланаётган товарнинг божхона қиймати;

КЎх – айнан бир хил (ўхшаш) товарнинг валютасида ифодаланган айнан бир хил (ўхшаш) товарнинг божхона қиймати;

Ўвк – баҳоланаётган товар билан БЮДни тақдим этиш кундаги айнан бир хил (ўхшаш) товар валютасининг курси;

Швк – баҳоланаётган товар билан БЮДни тақдим этиш кундаги шартнома валютасининг (баҳоланаётган товарнинг) курси.

ЎЗР Божхона брокерлари уюшмаси.

? 2 йил олдин фирмамизнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун божхона тўловлари ва қўшилган қиймат солигини тўлашдан озод этилган ҳолда автотрогучликларни импорт қилган эдик. Ҳозирги кунда МЧЖ ёпилиши муносабати билан мол-мулкларимизни сотаямиз. Олиб кириш чоғида ушбу автотрогучликлар янги бўлиб, уларнинг амортизация мuddати ҳали тугамаган тақдирда уларни реализация қилиш вақтида божхонага тўловларни (имтиёз бўйича тақдим этилган) қайтаришимиз лозим бўладими?

РЕСПУБЛИКАДА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛСАНГИЗ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАЙТАРИШ ШАРТ ЭМАС

– Даставвал шунини айтиш керакки, «Эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимда божхона расмийлаштируви вақтида, унинг ишлаб чиқарилган йили 3 йилдан кўп бўлмаган технологик ускуна янги технологик ускуна деб тушунилади. Бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик ускуна деб тушунилади. Бу (AB рақами 2436, 20.03.2013 й.) келтирилган.

Асбоб-ускунадан фойдаланиш далили бунга таъсир кўрсатмайди, унинг янгилиги кузатув ҳужжатларига асосан белгиланади. Бинобарин, олиб кириладиган технологик ускунанинг ишлаб чиқариш йили импорт божхона режимига расмийлаштириш чоғида ишлаб чиқарувчи заводнинг унда ускунанинг чиқарилган йили кўрсатилган техник паспорти билан ёки ишлаб чиқарувчининг ҳужжати билан тасдиқланади, унда ишлаб чиқарилган ускуна тўғрисидаги тегишли маълумотлар, шу жумладан ишлаб чиқарилган йили кўрсатилган бўлади.

Импорт божхона божи ва ҚҚС тўлови бўйича имтиёзлар Рўйхатга ТИФ ТН кодлари киритилган янги технологик ускуналарга қўлланилади. Имтиёзлар, шунингдек, бутловчи ва эҳтиёт қисмларга, агарда улар битта контрактга (шартномага) мувофиқ технологик жиҳозлар билан бирга ажралмас қисми сифатида етказиб берилган тақдирда таъбиқ қилинади.

Бундай асбоб-ускунани реализация қилиш тартиби Маблағларни инвестицияга йўналтирувчи юридик шахслар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (AB рақами 2918, 25.08.2017 й.) 3-бобида белгиланган.

Агар божхона имтиёзлари қўлланилиб импорт қилинган технологик ускуналар улар олиб қилинган пайтдан бошлаб 3 йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бекор қилинади. Тўланиши лозим бўлган тўловларни тўлаш бўйича мажбурият технологик жиҳозни экспорт қилувчига юклатилади. Экспортчи божхона органларига технологик жиҳозни импорт қилишда божхона расмийлаштируви амалга оширилган БЮДнинг кўчирма нусхасини тақдим этиши лозим (Низомнинг 19-б.).

Божхона имтиёзларини қўллаган ҳолда импорт қилинган технологик ускуна Ўзбекистон ҳудудига реализация қилинган ёки бепул берилган тақдирда божхона тўловларини тўлаш бўйича мажбуриятлар юзага келмайди. Бунда импорт қилинган технологик ускунани бераётган томон (импорт қилувчи, сотувчи, эгаси) харидорга уни импорт қилишда божхона расмийлаштируви амалга оширилган БЮДнинг кўчирма нусхасини тақдим этиши лозим (Низомнинг 20-б.).

ЛАМПАЛАРГА МАРКИРОВКА ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

? Энергия самарадорлигига доир товарларни маркировкалаш мажбурияти қайси ҳужжатда назарда тутилганлигини айтиб берсангиз. Олиб киришда у таъбиқ этиладиган приборлар рўйхати мавжудми? Оддий маийш лампалар унга киритилганми?

– Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада сотиладиган маийш электр приборларини, янгидан куриладиган бинолар ва иншоотларни энергетика жиҳатидан мажбурий маркировкалаш ва сертифицилаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (9.04.2015 йилдаги 86-сон) билан 2016 йил 1 январдан бошлаб техник ҳужжатларида, маркировкасида ва этикеткаларида энергия самарадорлигининг тегишли классификацияси бўлиши ҳақидаги талаб белгиланган. У тегишли рўйхат бўйича четдан олиб кириладиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сотиладиган маийш электр приборларига таъбиқ этилади (86-сон ВМКга илова).

Унга, хусусан, электр ёки газ разрядли чўғланувчи лампалар, шу жумладан герметик, нури йўналтирилган лампалар, шунингдек ультрабинафша ёки инфракизил, ёйсимон лампалар, нур таратувчи диодли (LED) (ТИФ ТН кодлари – 8539 10 000, 8539 21 300 9–8539 22 900 0, 8539 29 300 9–8539 50 000 0), нур таратувчи диодлар (LED), шу жумладан лазерли (коди – 8541 40 100 0) лампалар ва ёритиш асбоблари, бошқалар (коди – 9405 10 400 9), чўғланувчи лампалар билан қўллаш учун мўлжалланган приборлар, бошқалар (коди – 9405 40 910 9).

Маъмур рўйхатнинг янги таҳрири Вазирлар Маҳкамасининг 10.10.2019 йилдаги 860-сон қарори билан амалга киритилганини эслатиб ўтиш жоғизир.

«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

БОЖХОНА ХУДУДИДАН ТАШҚАРИДА ҚАЙТА ИШЛАШГА РАСМИЙЛАШТИРИШ

ПОЧТА ҚУТИСИ

? *Ўзбекистонлик компания ускунани етказиб бериш ва мамлакатимизда монтаж қилишга импорт шартномасини тузди. Шартномага кўра ускуна у ўрнатилган пайтдан бошлаб 36 ой мобайнида ишдан чиққудек бўлса уни кафолатли алмаштириш мажбурияти бор. У сўз ишловчи ускунага илжаси борича тез муддат оралиғида алмаштирилиши керак. Бироқ бузилган ускунани олиб чиқиш (вақтинча олиб чиқиш) ҳамда сўз ишлайдиган ускунани олиб кириши (реимпорт) тартиб-таомилга камида 1 ой кетади.*

Импорт қилувчида доимий захираларни яратиш заруратини тугдирмаган ҳолда «олдини олувчи» тамойили бўйича бундай ускунани олиб кириш-олиб чиқиш қандай расмийлаштирилади? Унинг ЎЗРда янги ускунаси аллақачон бор, ундан носоз ускунани зудлик билан алмаштиришда фойдаланади, носоз ускунани эса у янғисига алмаштириб берилгандан кейин уни янғисининг ҳисобига экспортчига қайта жўнатиб юборади.

Жавоб ЎЗР ДБК Божхона назоратини ташкил этиш бошқармаси кўмагида тайёрланди.

– Олдин импорт қилинган ускунани таъмирдан чиқариш ёки алмаштириш мақсадида олиб чиқиш масалалари ЎЗР Божхона кодексининг «Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш» 8-боби билан тартибга солинади.

Кодекснинг 43-моддасига биноан товарни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш операцияларига шу жумладан товарни таъмирлаш, шунингдек уни тиклаш, модернизация қилиш, унинг бузилган ёки эскирган таркибий қисмларини (элементларини) алмаштириш ёхуд тиклаш, нуқсонларини бартараф этиш киради.

Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимдан, агар товарнинг олиб чиқишини тўланган божхона божлари ва солиқлар суммасини қайтаришни, улардан озод қилишни ёхуд олиб чиқишда тақдим этиладиган тўловларни ундиришни талаб қилишга асос бўлса, фойдаланиш мумкин эмас. Шу билан бирга божхона тўловларини тўлашдан шартли озод этилган ҳолда эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига илгари жойлаштирилган товарга нисбатан ушбу шартли озод этишнинг амал қилиш муддати ту-

гагунига қадар ҳам божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимдан фойдаланиш мумкин бўлмайдими. Бундан шундай товарни таъмирлаш, шу жумладан уни тиклаш, модернизация қилиш, унинг бузилган ёки эскирган таркибий қисмларини (элементларини) алмаштириш ёки тиклаш, нуқсонларини бартараф этиш учун олиб чиқиш мустаснодир (БК 44-м. 2-қ.).

Товарни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлашга бир қатор талаб ва шартларга риоя этилган ҳолда йўл қўйилади. Хусусан, агар:

- олиб чиқилган товарни божхона органлари томонидан уни қайта ишлаш маҳсулотларида идентификация қилиш мумкин бўлганда, бундан БК 46-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- агар товар ваколатли органлар томонидан назорат қилиниши лозим бўлса, божхона органларининг ахборот тизимида ушбу органларнинг рухсатномалари мавжуд бўлганда;

- техник-иктисодий асосларнинг ва амалдаги қайта ишлаш жараёнининг кўрсаткичлари бир-бирига мос бўлса;

- товарни қайта ишлаш операцияларининг БК 43-моддаси талабларига мувофиқ бўлса (БК 44-м. 1-қ.).

Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш учун олиб чиқилаётган товарни уни қайта ишлаш маҳсулотларида идентификациялаш, агар улар БКнинг 49-моддасига мувофиқ қайта ишлаш учун олиб чиқилган товарга эквивалент бўлган товарни қайта ишлаш натижасида олинган бўлган ҳолларда талаб этилмайди (БК 46-м.). *Эквивалент компенсацияга*, яъни олиб чиқилган товардан олинган қайта ишлаш маҳсулотларини бошқа эквивалент чет эл товари билан алмаштиришга, агар божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш операцияси товарни таъмирлашдан иборат бўлса, товарни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш рухсатномаси асосида йўл қўйилади.

Божхона мақсадлари учун *эквивалент чет эл товари* деганда олиб чиқилган товарни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш натижасида олинган қайта ишлаш маҳсулотига ўз тавсифи, сифати ва техник хусусиятлари бўйича мос келувчи чет эл товари тушунилади (БК 49-м.).

Товар божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимда таъмирланаётганда қайта ишлаш маҳсулоти қайта ишлаш маҳсулотига алмаштирилувчи товар божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимига мувофиқ таъмирлаш учун муължалланган товар билан айнан бир хил ёки унга ўхшаш бўлган тақдирда алмаштирилиши мумкин.

Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимда товар таъмирланаётганда қайта ишлаш маҳсулотининг алмаштирилиши учун контрактнинг (шартноманинг, келишувнинг) тегишли қондалари ва (ёки) товарни таъмирлаётган шахснинг кафилик мажбуриятлари асос бўлади (БК 50-м.).

Товар божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимга жойлаштирилиши учун декларант божхона органига божхона юк декларациясини ва товарнинг кузатув ҳужжатларини тақдим этиши лозим. Бундай ҳужжатлар жумласига улар асосида товарни қайта ишлаш учун ёки қай-

та ишлаш маҳсулотларини олиб чиқиш амалга оширилмаган контрактлар (шартномалар, битимнинг)нинг нусхалари киради.

Агар божхона ҳудудидан ташқарида товарни қайта ишлаш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар талаб қилинса, божхона органлари ахборот тизимида бундай ҳужжатларнинг мавжудлигини мустақил равишда текширади (БК 45-м.).

Товар божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимига божхона органининг рухсатномаси асосида жойлаштирилади. Уни олиш учун ваколатли шахс товар қайси божхона органининг фаолият кўрсатиш зонасида турган бўлса, ўша божхона органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза;

- қайта ишлашнинг технологик жараёни тўғрисидаги маълумотлари бўлган техник-иктисодий асослар (ҳисоб-китоблар), шунингдек ваколатли органларнинг ва (ёки) ваколатли ташкилотларнинг (шу жумладан божхона лабораторияларининг) қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормаларини белгилаш учун аниқ қайта ишлаш технологик жараёнига асосланган ҳулосалари;

- қайта ишлашни амалга ошириш учун асос бўлган контрактнинг (шартноманинг, келишувнинг) ёки товарни қайта ишлаш учун олиб чиқишга ва қайта ишлаш маҳсулотларини олиб чиқишга доир контрактнинг (шартноманинг, келишувнинг) кўчирма нусхаси (БК 134-м.).

БК 53-моддасига мувофиқ олиб килинадиган қайта ишлаш маҳсулотлари эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштириладиганда божхона божлари ва қўшилган қиймат солиғи товарларни қайта ишлаш операцияларининг қийматидан келиб чиқиб ҳамда қайта ишлаш маҳсулотларига қўлланиладиган божхона божлари ва ҚҚС ставкалари бўйича ҳисобланади.

Қайта ишлаш маҳсулотларига нисбатан акциз солиғи қайта ишлаш маҳсулотларининг божхона қиймати ва миқдоридан келиб чиқиб, қайта ишлаш маҳсулотларига қўлланиладиган ставкалар бўйича ҳисобланади.



Ҳужжат тили билан

Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режими шундай режими, бунда Ўзбекистон товарлари божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш ва уларнинг қайта ишлаш маҳсулотларини кейинчалик божхона ҳудудига олиб кириш мақсадида олиб чиқилади.

Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимига мувофиқ олиб чиқилаётган товарга нисбатан божхона божлари ва солиқлар тўлалишидан шартли озод этиш қўлланилади. Бу товарга нисбатан иктисодий сиёсат чоралари қўлланилмайди, бундан БКнинг 54-моддасида назарда тутилган тақиқлар ва чекловлар мустасно.

Товарни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштириши божхона органининг товарни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш учун БК 21-бобининг қоидаларига мувофиқ берилдиган рухсатномаси асосида амалга оширилади.

Божхона кодексининг 42-моддаси.

«Божхона» бўлимини маҳсул муҳбиримиз **Гулнора АБДУНАЗАРОВА** олиб боради.

<p>СОЛИК ва ХАБАРЛАРИ БОЖХОНА</p> <p>Мотивий-иктисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўттич тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ</p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p> <p>Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: ebx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p> <p>Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма 1-1015. Адади 610. Газета 2020 йил 26 октябрь соат 17.00 да топирилди.</p>
--	--	--	---	---